


**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

1991

11



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР

1991

II

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Издается с мая 1957 г. по 12 номеров в год

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
1991

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ (*главный редактор*), чл.-кор. АН СССР Э. Ю. ЮСУПОВ, акад. АН Узбекистана А. А. АСКАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана С. К. КАМАЛОВ, акад. АН Узбекистана Ш. З. УРАЗАЕВ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана А. А. АГЗАМХОДЖАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана Б. А. АХМЕДОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Х. П. ПУЛАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Ж. Т. ТУЛЕНОВ (*зам. главного редактора*), чл.-кор. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана М. Ш. ШАРИФХОДЖАЕВ, доктор ист. наук Б. В. ЛУНИН, доктор ист. наук Р. Я. РАДЖАПОВА, доктор юр. наук Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, доктор ист. наук Г. Р. РАШИДОВ, доктор ист. наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экон. наук К. А. ХАСАНДЖАНОВ, доктор филос. наук С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ, доктор ист. наук А. М. ЮЛДАШЕВ, Б. И. КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Телефоны: 32-73-29, 4-83.

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 1991 г.

Редактор *Н. А. Маркман*
Технический редактор *Н. А. Абдурахмонова*

Регистр № 000055. Сдано в набор 10.12.91. Подписано к печати 21.12.91. Формат 70×108¹/₁₆. Бумага типографская № 1. Гарнитура литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 6,30. Уч.-изд. л. 6,0. Усл. кр.-отт. 6,51 Тираж 682. Заказ 311. Цена 80 к.

Издательство «Фан» АН РУз: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Типография Издательства «Фан» АН РУз: 700170, Ташкент, проспект М. Горького, 79.

Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигига

А. УРИНБОЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИЖТМОИЙ ҲАЁТ

Мир Алишер Навоий XV асрда Темурийлар ҳукмронлигида бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларида яшади; Бу давр Урта Осиё ва Афғонистон республикалари тарихига оид асарларда, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий ва Навоийларнинг таваллуд саналарини нишонлашга бағишланган рисоаларда ҳамда Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда бир неча бор ёритилган. XV асрдан бизгача етиб келган қўп сонли ёзма манбалар, меъморлик ва санъат обидалари асосида ҳамда мазкур тадқиқотларга таяниб айтиб оламизки, Темурийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр маданий жиҳатдан юксалди. Уни баъзи адабиётларда «Темурийлар ренессанси» деб ҳам атаб келинмоқда. Ушбу маданий юксалиш — ренессанснинг XV аср иккинчи ярмидаги ривожига буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳам улкан ҳиссаси бор. Бу ҳисса унинг ҳам ижодий, ҳам давлат арбоби сифатидаги фаолиятида ўз аксини топган.

Алишер Навоий таваллуд топган Ҳирот шаҳри 1397 йили бутун Хуросон ўлкаси билан Темур томонидан унинг кичик ўғли Шоҳрухга берилган эди. 1405 йили Темур вафот этгач унинг ўғли ва набиралари орасида тахт учун кураш бошланди. Темурнинг Хитой томон юришга сафарбар этилган лашкарларидан бир гуруҳи билан Тошкентда турган набираси Халил Султон Самарқандга етиб келиб пойтахтни эгаллади. Шоҳрух ҳам Темурнинг ўғли сифатида тахтни эгаллаш орзусида бўлса-да, бироқ у мавжуд шароитда Самарқандга юришни лозим топмай, ҳозирча Ҳиротни мустаҳкамлашга қарор қилди.

Бинобарин, ана шу 1405 йилдан бошлаб Ҳиротнинг мудофаа иншоотларини тузатиш ишларига катта эътибор берилди. Сўнграқ 1409 йилга келиб, Шоҳрух Мовароуннаҳрни ҳам қўлга киритиб, Темурийлар давлатининг бош ҳукмдори бўлиб олди. Лекин у шунда ҳам Ҳиротни тарк этмай, Самарқандни Мирзо Улуғбекка топширди. Натижада Ҳирот шаҳри ҳам Самарқанд билан бир қаторда Темурийлар давлати пойтахтига айланиб, иқтисодий ва маданий ривожланиш томон юз тутди. Шу давр тарихнавислари Ҳофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқаларнинг маълумотига қараганда Шоҳрухнинг буйруғи билан шаҳар тарҳи қайтадан чизилиб, бозорларнинг усти ёпилиди, мадраса, хонақоҳ ва масжидлар қурила бошланди, уларга унумли ерлардан вақфлар тайинланди. Шоҳрухнинг ёнида унинг иккинчи ўғли Мирзо Бойсунгур вазирлик хизматици ўтар экан, у акиси Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда олиб бораётган илмий-маданий фаолиятидан ўрнак олиб, Ҳиротда ҳам илм-маърифат ишларига бошчилик қилди. Сарой қошида «китобхона» ташкил этилиб, у ерда ҳақиқий илмий-матншунослик ишлари, китобат ишлари олиб борилар эди. Фирдавсий «Шоҳнома»си матнининг тўла нусхасини барпо этиш иши ҳам ана шу Ҳирот китобат мактабига мансубдир.

Шоҳрухнинг ташқи сиёсати асосан Темур барпо этган империяни бир марказга бўйсундиришга қаратилган эди. Бунда у аксари дипломатия воситаси билан иш кўрарди. Бундай шароитда Шоҳрух ҳукмролиги даврида ички ҳарбий юришлар кўпроқ тинчлик—осойишталик чоғлари билан алмашиниб турди. Бирор вилоятнинг ҳукмдори бўлган Темурий шаҳзодалар Ҳирот ва Самарқанддаги ишларга тақлидан ўз улушлари марказида атрофларини билимли кишилар билан қуршашга, имкон борича дабдабали сарой ҳаётини таъминлашга ҳаракат қилди. Натижада Темурийлар империясининг йирик шаҳарларида ишлаб чиқариш кучларининг мужассамланиши, ҳунармандчилик ривожланиши ва нисбатан иқтисодий тараққиёт юз берди. Ана шу омиллар асосида Темурийлар давлати билан хорижий мамлакатлар орасида маданий ва сиёсий алоқалар, иқтисодий (савдо-сотик) муносабатлари авж олди. Масалан шу давр манбаларида кўрсатилишича, XV асрнинг биринчи ярмида Урта Осиё билан Рум (Кичик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой ва ҳатто баъзи Овруро мамлакатлари орасида дипломатик, маданий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган эди. Ана шундай алоқалар натижаси ўлароқ 1419—1422 йиллари Хитойга, 1442—1444 йили Ҳиндистонга элчиликлар ташкил қилинди ва уларнинг тўла кундалиги бизгача етиб келган. Ана шу алоқалар XV аср иккинчи ярмида ҳам давом этганлигига далиллар кўп топилади. Чунончи, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўзининг Навойига ёзган бир хатида Самарқанддан Ҳиндистонга мол олиб кетаётган савдогарга хат ёзиб бериб, Ҳиндистонга Молик ут-тузжордан баъзи илтимосларни қилишни сўрайди. Демак, Ҳиндистон билан алоқаларда Навойининг ҳам иштироки бўлганлиги англашилади.

Самарқанд шаҳрига келсак, бу ерда ҳали Темур ҳаётлигидаёқ бошланган қурилиш ишлари Улуғбекнинг ташаббуси билан янада ривожланган, сарой ва боғлар, мақбара ва масжидлар қурилди, илмий муассасалар — мадрасалар ва Улуғбек расадхонаси барпо этилди, машҳур «Зижи жадиди Гурагоний» тузилди, илм-фан ва умуман маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнашига замин яратилди. Бироқ 1447 йили Хуросонда Шоҳрухнинг вафоти, 1449 — йили Улуғбекнинг Мовароуннаҳрда қатл этилишидан кейин яна бир неча йил давомида Темурий шаҳзодалар орасида тахт учун кураш давом этди, охири 1451 йили Самарқандни Султон Абу Саъид, Ҳиротни Абулқосим Бобур эгаллади. 1454 йили Абулқосим Бобур қирқ кун давомида Самарқандни қамал қилди. Аммо Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор бошчилигида шаҳар аҳолисининг қаршилик кўрсатиши натижасида икки орада сулҳ тузилди. Абулқосим Бобур Хуросонга қайтиб кетди. 1457 йили Абулқосим вафот этгач Самарқанд ҳокими Султон Абу Саъид Ҳиротни ҳам эгаллаб, бу шаҳарни ўзига пойтахт қилиб олди. Шу билан Темурийлар давлати Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари ҳудудида яна бирлаштирилди.

Алишер Навойининг таваллуди (1441, 9 февраль) ва ёшлик-йигитлик йиллари Темурийлар давридаги ана шу нотинчлик йилларига тўғри келди. Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина ва бувалари ҳам Темурийлар сарой ходимларидан бўлганлиги туфайли шаҳзодаларнинг ўзаро низолари Навойининг оиласига ҳам таъсир этди. 1447 йили содир бўлган Шоҳрух вафотидан кейинги таҳликали куналарда олти яшар Алишер оиласи билан Ироқ томон сафар қилди. Унинг машҳур тарихнавис Шарафуддин Али Яздий билан Язд хонақосида учашуви ҳам худди шу сафар вақтида рўй берган эди.

1452 йили Абулқосим Бобур Навойининг отаси Ғиёсиддин кичкинани Сабзаворга ҳоким қилиб тайинлади. Алишер эса Ҳиротда ўқишини давом эттирди. 1456 йили Абулқосим Бобур Алишерни Ҳусайн Бойқаро билан биргаликда Машҳадга ўқишга юборди, аммо 1457 йили Абул-

қосим Бобур вафот этгач Хусайн Бойқаро сиёсий курашлар билан банд бўлиб кетди, Алишер эса ўқишни давом эттираборди.

Шу орада Ҳиротни эгаллаган Султон Абу Саъид Алишернинг бошқа шаҳзодалар билан алоқасидан ҳадиксираб, уни Самарқандга жўнатилади. Алишер Навоий у ерда Ҳожа Фазуллоҳ Абуллайсий мадрасасида ўқиш ва ижод билан машғул бўлади.

1469 йили Султон Абу Саъид Ироқ юришида мағлубиятга учраб ҳалок бўлгач Хуросон пайтахтида Хусайн Бойқаро, Самарқандда Абу Саъиднинг ўғли Султон Аҳмад (1468—1493), Ҳисорда бошқа ўғли Султон Маҳмуд ҳукмронлигини ўз қўлларига оладилар. Шу вақтдан бошлаб, то XV асрнинг охиригача Хуросон ва Мовароуннаҳрда содир бўлган сиёсий воқеалар ана шу уч Темурий мирзоларнинг ўзаро рақобатларидан иборат бўлди. Аммо бу рақобатлар катта қирғин ва вайроннагарчиликлар келтириш даражасига бориб етмади. Бир маромга келтирилган мамлакат иқтисодий аҳволи издан чиқмади. Бунда Мовароуннаҳрда нақшбандия сулукига мансуб тариқат аҳллари раҳбари Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор, ана шу сулукининг йирик вакиллари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби шахсларнинг хизмати кам эмасди. Бу уч шахснинг бир-бирларига ёзган мактублари мазмунидан билинадик, улар ҳукмрон табақаларни тинчлик сиёсатини юртишга ва айни вақтда мамлакат ободончилиги, маданий қурилишлар билан шуғулланишга ундаганлар ва бу соҳада анчагина ижобий натижаларга эришганлар. Ана шунинг учун ҳам ўн бешинчи аср иккинчи ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг маданий ва ижтимоий ҳаётидаги деярли барча соҳалари Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор номлари билан боғлиқ эканлиги илмий тадқиқот ишларида қайд этилиб келинмоқда.

* * *

Темурийлар давлатининг ижтимоий тузуми бир томондан меҳнаткаш халқни қаттиқ эксплуатация қилиш, иккинчи томондан ҳукмрон табақаларга имтиёзлар беришга асосланган эди.

Ҳали Темур давридан бошлабоқ шаҳзодалар ва йирик амирларга катта-катта ерлар, ҳатто вилоятларни суюрғол тарзида ёки тархонлик анъанаси бўйича инъом қилиш кенг тарқалган эди. Бундай инъомлар кейинги Темурийлар, жумладан Султон Хусайн даврида ҳам кенг қўлланиб келди. Ҳар бир суюрғол эгалари ўз мулкида ўзини мустақил тутишга ҳаракат қилар ва бу билан Темурийлар давлати бир бутунлигига тобора путур етиб борар эди. Бунинг оқибатида XV аср охирига келиб Темурийлар давлати бутунлай иқирозга юз тутганлиги тарихдан маълум.

Темурийлар даврида ер эгаллиги — давлат ерлари вақф ерлари ва шахсий мулклардан иборат эди. Деҳқон қайси бир ерда ўтирмасин, у шарият белгиланган хирож, ушр солиқларидан ташқари яна фавқулодда йиғинлар ҳам тўлашга мажбур эди. Бундай йиғинлар сони баъзи вақтларда ўттиздан ортиқ ҳисобланган. Шаҳарлардаги хунармандлар ҳам саршумор, хонашумор, дудий, тамғо, номбардорий, сарона ва ҳоказо кўпгина фавқулодда солиқлар тўлашлари лозим эди. Ана шунинг оқибатида 1470 йили Ҳиротда халқ норозилиги бўлиб ўтди ва у Алишернинг одилона тадбиркорлиги натижасида тинч ҳал этилди. Лекин умуман олганда Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида XV аср, юқорида айтганимиздек, катта-катта маданий қурилишлар даври бўлди.

XV асрнинг биринчи ярмида бошланган бу маданий юксалиш шу асрнинг иккинчи ярмида, Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги йилларида ўзининг юқори даражаларига етди. Бунда албатта, Алишер Навоийнинг хизмати катта бўлди. У саройда муҳрдорлик вазифасидан бошлаб амирлик даражасига етишди, гоҳ Ҳиротда, гоҳ Астрободда ҳокимликка тайинланди. Бироқ, у қай ер ва қайси лавозимда бўлмасин халқ

манфаатини ўйлади. Ана шунинг учун ҳам Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўзининг бир хатида Навоийдан сарой хизматини тарк этмасликни сўрайди ва мусулмонлар гамини ейишни ҳеч ким ўйламай қўйган бу пайтда улар гамини ейиш — энг савобли ишдир», деб ёзади. Шу мазмундаги хатни биз Жомий руқъалари орасида ҳам кўрамиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Алишер Навоийнинг сарой хизматида бўлишини, бўлмаган тақдирда эса умуман Ҳиротда Султонга яқин туришини истар эди. Ана шунинг учун ҳам Султон Навоийнинг ҳажга кетишга рухсат сўраб ёзган хатларига салбий жавоб берар эди.

Умуман ёзишмалар орасида бизгача баъзи хатлар етиб келганки, уларнинг мазмунидан Ҳусайн Бойқаро Навоийни ўта қадрлаганлиги англашилади. Бу хатлардан бири Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинланиши муносабати билан Озарбайжон ҳукмдори Яъқуббекка ёзган хати, иккинчи эса Навоийнинг укаси Дарвеш Али Балхда исён кўтарганлиги муносабати билан махсус чиқарилган нишондир.

Биринчи ҳужжатда Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Астрободга ҳоким қилиб тайинланишини унинг тадбиркорлиги, оқилона иш тутиши билан боғлайди, иккинчи хат-нишонда эса укаси Дарвеш Алининг гуноҳи туфайли Алишерга нисбатан ҳеч қандай эътиборсизлик кўрсатилмасин, у кишининг қадр-қиймати давлат ва султон олдида илгаригидан ҳам юқорироқдир, деган мурожаатни шахзодалар ва сарой аҳллариغا етказди.

Халқ олдида катта ҳурмат ва ишончга, Темурийлар саройида шундай сбрўга эга бўлган Навоий, ўз бойликларини ҳам, саройдаги нуфузини ҳам халқ манфаатини ҳимоя қилишга, катта маданий қурилишларга сарфлади. У шоир-адибларга, ҳунармандларга, санъат аҳлларига жиддий ҳомийлик кўрсатди, Ҳирот, Машҳад, Нишопур ва бошқа шаҳарларда мадраса, масжидлар, ҳаммом, шифохоналар, ҳовузлар барпо этилди, ариқлар қаздирди.

Умуман Алишер Навоийнинг номи билан боғлиқ иморатлар, ариқлар, хайрия муассасалари, ёдгорликлар сони 300 дан ортади.

Алишер Навоий кўплаб шоир ва адиблар етишиб чиқишига сабабчи бўлди. Бунга мисол учун Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарларини эслаш kifоядир.

Адабиёт, шеърятдан ташқари яна тарих фанида ҳам кўплаб йирик асарлар ёзилди: Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн», Исфизорийнинг «Равзат ул-жаннат фи авсофи мадинати Ҳирот», Ҳофизини Абурунинг «Зубдат ут-таворих», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарлари каби кўплаб тарихий солномалар вужудга келди ва улар шарқ тарихнавислик анъанасини янги bosқичларга кўтарди.

Шундай қилиб Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкалари тарихида XV аср — бу Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар давридан кейинги иккинчи бир илмий ва маданий юксалиш даври бўлди. Алишер Навоий эса ўзи яшаган ана шу муҳитнинг камолотига инсоният тарихида адабий боқий қолувчи ҳисса қўшган шахслардандир.

Х. Б. БОБОЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ — БУЮҚ ДАВЛАТ АРБОБИ

Навоий ҳам шоир, ҳам давлат арбоби эди. У шоир бўлганда ҳам шунчаки оддий шоир бўлмасдан ўзидан олдин ўтган буюк шарқ шеъ-

рийат даҳолари — Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий Абдурахмон Жомийлар қаторида жой эгаллаган, «Хамса»дек асар ёзиб шеърийат санъатининг юксак чўққисига кўтарилган шоир. Сиёсат оламида эса Навоий Хуросон давлатида шоҳдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган, шоҳга давлатни идора қилиш санъати юзасидан фойдали маслаҳатлар бериб, давлатни марказлаштириш, тинчлик ва маърифат ишларини ривожлантиришда фаол қатнашган, раҳбарлик қилган давлат арбоби бўлган.

Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро аркони давлатида вазирлик вазифасини ўташ йилларида биринчи навбатда, мамлакат ичида тинчликни таъминлаш, вилоятларни ўғрилاردан, босқинчилардан қўриқлашга, сафарбар қилди. Гап шундаки, Навоий ўзининг сиёсий қарашларида шоҳни боғбонга, чўпонга ўхшатган бўлса, оммани боққа ўхшатади. «Ҳайрат ул-аброр»да у шундай деган:

Булда раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Куйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур, бори бил.

Демак, шоир ўз даврининг буюк сиёсатчиси сифатида давлатнинг бош вазифасини, яъни мамлакатда қонунчиликни, тартибни ўрнатишни аниқ тушуниб етган ва унга умрининг сўнгги кунигача амал қилган давлат арбоби эди.

Навоий мамлакатнинг бойлигини яратувчи деҳқонларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни ўзининг ва давлат аппаратининг вазифаси деб билади. У вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда давлат солиқларининг турлари ва миқдорининг ниҳоятда ошиб кетганлигидан норози бўлиб, кўзғолон кўтарганлар билан бевосита мулоқотда бўлиб, мамлакатни ана шундай оғир иқтисодий шароитларга олиб келган давлат мулозимларини, феодалларни қаттиқ жазолайди, масалан, вазир Хўжа Абдуллоҳ Ахтаб ва бошқаларни лавозимларидан четлаштиради. Деҳқонлар ва ҳунармандларнинг зиммасидаги оғир солиқларни енгиллаштиради.

Навоий Хуросон давлатида хизмат қилар экан у мамлакатда ободончилик ишларига катта эътибор беради. Ушлаб боғу роғлар, йўллар, кўприклар, карвонсаройлар, ҳаммомлар каби қурилишларга бевосита раҳбарлик қилади. Ўзининг жамғармасидан мачит ва мадрасалар қурдиради, ариқлар қаздириб, экинзорларга сув олиб келтиради. Мутафаккирнинг давлатни ободонлаштиришда олиб борган фаолияти унинг номини халқларимиз орасида адолатли вазир сифатида машҳур бўлишига сабабчи бўлади. Тилларда ва дилларда дoston бўлиб куйланди.

Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда илм-фан тараққиётига алоҳида эътибор берди. Адабиёт, санъат, меъморчиликнинг ривожланишига, шу соҳаларда хизмат қилаётган ҳокимларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди. Уларнинг ҳуқуқларини қўриқлаган ва давлатнинг ҳимоясида бўлишини таъминлаган. Масалан, Бобурнинг сўзлари билан айтганда, шоир ўғилсиз, қизсиз, oilасиз бўлиб, ўзининг бойликларини маориф ишларини тиклаш ва муллаваччаларча шахсий ёрдам кўрсатиш учун сарф қилган. Тарихдан маълумки, мадрасадаги муллаваччаларга Навоий ўз жамғармаларидан нафақа (стипендия) тўлаган, Устод Қул Муҳаммад шайх Нойи ва Ҳусайн Узу каби санъатчиларни тарбия қилади. Шунингдек, Беҳзод, Шоҳ Музаффарларга ҳам раҳномолик қилган. Бу соҳада Навоийнинг қилган ишлари жуда улкандир.

Навоий ўз даврининг машҳур давлат арбоби бўлиши билан бир вақтда у буюк мутафаккир ҳам эди. Шоир сиёсат, давлат қонушларига оид махсус асарлар ёзиб, Туронда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг

ривожланишини янги поғонага кўтарган шахсдир. Масалан, унинг биргина «Тарихи мулуки Ажам» асари қадимги Эрон ва Турон ҳудудида давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишига бағишланган. Навоий Ажамда Одам атодан то ўрта асрларгача бўлган катта тарихий даврда бу ерларда ҳукмронлик қилган шоҳларнинг исмлари (улар 65 тадан ортиқ), табақалари (Пешдодийлар, Қайонийлар, Ашконийлар, Сосонийлар) ҳақида ҳикоя қилади. Қаюмарс биринчи шоҳ эканлиги, Хушанг, Баҳром, Афросиёб, Жамшид каби шоҳларнинг, Рустамдек ҳарбий саркардаларнинг фаолиятларига юксак баҳо беради.

Навоийнинг дунёқаршида келажакда идеал давлат орзуси катта ўрин олган эди. Гап унинг бутун бир хаёлий давлати — «Садди Искандарий» дostonидаги Искандар давлати ҳақида бормоқда. Мутафаккир сиёсий қарашларида мавжуд феодал давлатларни танқид қилиб тараққийпарвар аҳамиятга эга ишларни амалга ошириш билан чекланмасдан янада илгарилаб, Искандар давлатидек идеал давлатни ўз дostonида яратди. Унда шоир бўлажак идеал давлатни сиёсат, давлат, давлатни идора қилиш шакли, давлатни бошқаришида фан ва техниканинг аҳамияти, халқаро ҳуқуққа оид масалалар, уруш ва тинчлик каби мураккаб сиёсий вазиятларни таърифлайди. Ана шу қўйилган масалалар бўйича ўзининг аниқ позициясини белгилайди.

Энг муҳими, Алишер Навоий жамиятни давлатсиз, қонунсиз, шоҳсиз тасаввур қилолмайди. У жамиятда интизом қонун-қонда бўлишини эътироф этади.

Ало, токи шоҳсиз чу бўлғай жаҳон,
Замон аҳлига бўлмагуси амон, —

дея Навоий марказлашган, мустаҳкам интизомга асосланган давлатни, унинг тепасида эса маърифатпарвар шоҳ бўлишини орзу қилади.

Навоий катта сиёсий кураш йўлини босиб ўтиб, бой тажрибага эга бўлганидан кейин унинг ижтимоий-сиёсий қарашларида янада илгарилаш юз беради. Мутафаккир феодал давлати ва ҳуқуқининг тор доираларида чекланиб қолмасдан, ўзининг ватанида марказлашган адолатли давлатни барпо этиш гоясида қолиб кетмасдан, янада илгарилаб, бутун дунёда ягона марказлашган адолатли давлат бўлиши, унинг тепасида эса адолатли шоҳ туриши керак, деган гоягача етиб боради. Шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг ривожланишида катта юксалиш юз бериб, у мавжуд дунёдан, давлатдан хаёлан узилган ҳолда, хаёлотли асосида бутун бир хаёлий давлат — «Садди Искандарий» дostonидаги Искандар давлатини яратади. Искандар давлати хаёлий бўлиб, Навоий унда ўзининг сиёсат, давлат, ҳуқуқ ҳақидаги истак ва орзуларини, гояларини мужассамлаштирган ҳолда берган. Навоийнинг фикрича, келажакда бутун дунёда адолатсиз давлатлар тугатилиб, уларнинг ўрнида ягона марказлашган давлат ташкил топиши керак. Унинг тепасида эса Искандарга ўхшаган шахс туриши керак.

Маълумки, хаёлий дунёқараш Ўрта Осиё халқлари орасида қадим замонларданоқ кенг тарқалган эди. Даставвал халқ оғзаки ижодида (дoston, эртақ, қўшиқ ва ҳикоялар) адолатли жамият, давлат, шоҳ ҳақидаги хаёлий қарашлар кенг кўламда ривожланган эди. Кейинчалик эса бу гоя ёзма манбаларда янада тараққий қилиб («Авесто» ва бошқа манбаларда), Зардушт, Қаюмарс каби афсонавий қаҳрамонлар тинчликда намоен бўла бошлайди. Бу хаёлий гоялар ўз навбатида меҳнаткаш омманинг эксплуататорларга ва ташқи душманларга қарши курашида ва улар сиёсий онгининг ўсишида, тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Ўлка халқларининг келажакда озодлик, тенглик, дўстлик ва тинчлик учун курашларида асосий идеологик қуроли бўлиб хизмат қилди. Маздакийчилар, оҳийлар, сарбадорлар каби халқ ҳаракатларининг моҳияти ҳам ана шунда эди. Ушбу масалага Навоийга қа-

дар Форобий, Низомий, Абдурахмон Жомийга ўхшаган буюк сўз санъаткорлари ҳам ўз диққат-эътиборларини жалб қилишиб, асарлар яратганлар. Навоий ана шу бой меросга, манбага асосланган ҳолда «Садди Искандарий» дostonини ёзган.

Бу дostonни ёзишга киришишдан аввал шоир жуда кўплаб тарихий китобларни ўқиб чиқади ва анализ қилади. Улар орасида Низомуттаворих» номли китоб энг мукамал ва мўътабар асар эканлиги алоҳида қайд этилган. Бу китобда Ажам давлати ва шоҳларининг тарихи батафсил ҳикоя қилинган. Эрон шоҳлари тўрт гуруҳга бўлинган: «Пешдодий»лар, «Қайоний»лар, «Ашконий»лар ва «Сасоний»лар. Улар 4336 йилу 10 ой ҳукмронлик қилганлар. Аммо уларнинг барчасини қилган иши, шоир таъбири билан айтганда, ягона Искандарнинг қилган ишларига тенг кела олмайди.

Искандар ва унинг давлати шоир орзу қилган хаёлий давлат. Бу давлатда барча халқлар, миллат ва элатлар урф-одатларига, динларига, тилларига қарамасдан тенг ва озоддир. Барча зolim шоҳлар зўрлик билан тугатилиб, бутун дунёда ягона сиёсат, давлат ўрнатилган. Мутафаккир ўзининг бу асарида Искандар образига катта эътибор беради. Искандарнинг ота-онаси ҳам, қариндош-уруғи ҳам йўқ. У халқ фарзанди. Искандар донишманд, тўғри сўз, қаҳрамон ва яна бир қанча яхши хислатлар эгаси. У давлатни идора қилишда Арасту (Аристотель) каби машҳур олимларнинг фикрларига асосланади. Искандар зolim подшоҳларга қарши юриш қилиб, бутун дунёда ягона марказлашган адолатли давлатни барпо этади. Бу ерда энг муҳими шундаки, шоирнинг фикрича, у барча феодал давлатларни ягона марказга бирлаштирмагунча, ягона сиёсий система жорий қилмагунча феодал урушларини тугатиш ва меҳнаткашларни зolimлар чангалидан озод қилиш, мамлакатда маориф ва маданият ишларини ривожлантириш мумкин эмас.

Шундай қилиб, «Садди Искандарий» Навоийнинг барча сиёсий ҳуқуқий қарашларини ўзида мужассамлаштирган асардир. Бу асарда шоир энг оддий сиёсий масалалардан, яъни бўлажак адолатли шоҳ танлаш, тарбиялаш, бозорларда тарозу тошларга даълат назоратини ўрнатиш, аниқ ўлчов бирликларини жорий қилиш каби масалаларгача, шунингдек, энг мураккаб масалалар бўлмиш — давлатлараро муносабат, адолатли ва адолатсиз урушлар, давлатни идора қилишда шоҳ, омма ва фаннинг аҳамияти каби қатор масалаларни ечишга қаратилган ғояларни илгари суради. Бу ерда шуни айтиш керакки, юқоридаги ғояларни Искандар ва унинг давлатини шоир дostonда хаёлан, афсонавий тарзда юксак маҳорат билан куйлайди.

Навоий гарчад жамият, шу жумладан, давлатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонунийларни, унинг турлари ҳамда шакллари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган бўлсада, ўрта асрларда илоҳият талаб ва таълимотларни — тақдирга тан бериш ва мавжуд ижтимоий тартибга итоаткорона бўйсунушга даъват қилмасдан, аксинча, янги турмуш, жамият ва давлат учун курашади. У келажакда инсониятни адолатли жамиятга эришишига ишонади ва барча тараққийпарвар кишиларни унга даъват қилади ҳамда илм-фанни, техникани ривожлантиришга чақиради. Бундай ғояларни ёқлаб чиқиш замонга нисбатан катта қаҳрамонлик ва жасоратни талаб қилар эди.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида тинчлик, дўстлик масалалари муҳим ўринни эгаллайди. У барча давлатларни, халқларни тинч-тотув яшашга даъват қилади. Навоийнинг фикрича, барча халқлар, катта-кичикларига қарамасдан ўзаро тенг бўлиши ва бир-бирлари билан савдо-сотиқчи, алоқани ривожлантирган ҳолда яшаш керак. Энг муҳими тинчлик учун кураш ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлигини таъкидлаган шоир шундай деб ёзади:

Одам аҳли билингизки, ин эмас душманлиг,
Ер улунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг ин.

Душманлик эмас — дўстлик, уруш эмас — тинчлик ғоялари ҳам шоир орзусига айланган эди. Шоир тинчлик ғоясинингига илгари сурмасдан, балки Ёдгор Мирзо фитнасига ўхшаш халқлар бошига оғир муқабатларни солувчи фитналарга, мансаблараст амалдорларга қарши курашади. Навоийнинг тинчлик ва дўстлик учун кураш фаолияти, унинг ғоялари бизнинг замонамизда барча тараққийпарвар инсониятни уруш хавфининг олдини олиш ва тинчлик учун олиб бораётган курашида муҳим аҳамиятга эга.

Навоийнинг мероси бой. У бизга ўттиздан ортиқ нодир асарлар ёзиб қолдирган. Унинг асарларида ҳаётда содир бўлаётган барча ноҳақликлар, адолатсизликлар фож қилиб ташланади ва ҳақиқий инсоний фазилатлар: меҳнаткашлик, тўғри сўзлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик кабилар зўр маҳорат билан куйланади. Энг муҳими, шоирнинг давлат ва ҳуқуқнинг вазифаси инсонга хизмат қилиши керак, деган фикрлари аҳамиятлидир. Унинг бой мероси Ўзбекистон сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихини шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнайди. Айниқса, Ўзбекистоннинг тараққийпарвар олимлари, давлат арбоблари, шоирларининг сиёсий қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида улуг мутафаккирининг хизмати катта ва салмоқлидир.

М. БАРАТОВА

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ижтимоий фанлар, жумладан иқтисодий фикр тарихи жамият тараққиётига раҳбарлик қилишда илмий асос бўлиб хизмат қилади, маданиятимиз тарихини ўрганишга ёрдам беради. Халқларимизнинг маданий меросини, Ўрта Осиёда яшаган буюк мутафаккирларнинг бой меросини ўрганишга кейинги йилларда катта эътибор берилмоқда.

Яқин вақтларгача Шарқ халқларининг маданиятига ғайри-табиий кучларга ишонш, таркидунё, диний руҳ сингиб кетган ва бу халқларнинг адабий, фалсафий, иқтисодий фикр тарихида салмоқли, илғор ва ижобий ғоялар йўқ, деб қаралар эди.

Турли тараққиёт босқичида халқлар иқтисодиёти ва маданиятининг турли даражада ривожланиши субъектив омилларга, биологик ва ирқий фарқларга боғлиқ бўлмай, балки жамиятнинг ҳар бир тараққиёт босқичида вужудга келадиган кишилар онги, тафаккур тарзи, жамият ҳолатини белгилувчи объектив қонунарга боғлиқдир.

Ижтимоий таълимот тарихидан маълумки, қадимги ва ўрта асрларда иқтисодий билимлар, фалсафий, умуман ижтимоий билимлардан, хатто табиий билимлардан ажралмаган эди. Масалан, Аристотель, Беруний, Навоий, Жомий, Мирзо Бедил, Петти, Гоббс, Кенэ ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида ҳамма билимларга оид маълумотлар мавжуд. Шунинг учун иқтисодий, фалсафий ва бошқа илғор фикрларни маълум тарихий шароит доирасида ўрганиш лозим.

Ўрта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг иқтисодий фикрлари ўзига хос мазмунга эга. Масалан, буюк мутафаккир, шоир ва олим Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг кўпгина асарларида XV асрнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик ишлари бевосита ёки билвосита ёритилган.

XV асрда Навоий билан бир вақтда Ҳиротда форс-тожик адабиёти-

нинг буюк намояндаси, мутафаккир Абдурахмон Жомий яшаб, ижод этди (1414—1492). Жомий ҳам Навоий сингари одил подшо ҳақида орзу қилди. Унинг фикрича, давлатга одил подшо билан унинг атрофида ақлли вазирлар раҳбарлик қилса, мамлакатда ижтимоий адолатсизлик бўлмайди ва мамлакат гуллаб-яшнайд.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз олимлари ўтмишнинг маданий меросини, фалсафий ҳамда иқтисодий фикрлар тарихини ҳар томонлама ўрганиш юзасидан дастлабки қадамларни қўймоқдалар. Урта Осиё халқларининг ижтимоий фалсафий назарияларни ўрганишда нуфузли олимимиз, академик И. М. Мўминовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий, фалсафий фикр тараққиёти», «X—XX асрлар бошларида Ўзбекистонда ижтимоий ва фалсафий фикрлар тарихидан» деб номланган асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

1960 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА нинг Иқтисод институти тарих фанлари доктори М. Абдураимов раҳбарлигида «Ўзбекистонда XV—XVI асрларда ижтимоий-иқтисодий фикрлар тарихидан» номли китобни нашр этди. Бу китобда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий фикрларни ўрганишга асос солинган эди.

Алишер Навоий яшаган даврда Темурийлар давлати ҳукм суриб унда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо ривож топган эди.

Академик В. В. Бартольд Темурийлар даври ҳақида фикр юритиб, бу даврга оид маълумотлар кўплигини, лекин уларнинг аксарияти нашр этилмаганлигини, ҳатто ўрганилмаганлигини таъкидлаб ўтган эди. Шулардан бири «Мажмуан мурасалот» («хатлар тўплами») бўлиб, у Хўжа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Хўжа Аҳрорнинг ўғиллари ва яқин кишиларининг вазир Алишер Навоийга ёзган мактублар тўпламидир. Бу мактубларда халқ оммасининг ижтимоий аҳволи, қурилиш ишларининг ҳолати, савдо-сотиқ ишлари, деҳқончилик муносабатлари ўз аксини топган. Тўпламдаги мактубларнинг кўпчилиги Темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда катта ёрдам беради.

Темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ёритишда В. В. Бартольдининг «Улуғбек ва у яшаган давр», «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Алишер Навоийга бағишланган «Мир Алишер», «Ўзбек адабиётининг асосчиси», «Алишер Навоий», «Улуғ ўзбек шоири» номли тўпламларда Навоийнинг адабий ижодиёти ҳамда вазирлик фаолияти, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва халқнинг аҳволи ҳақида фикр юритилади.

Темурийлар давлатининг солиқ сиёсати ҳақида А. А. Молчановнинг «Алишер Навоий даврида Ҳиротда солиқ сиёсатини таърифлашга доир» мақоласи ҳам аҳамиятга молик. Бу мақолада деҳқонлардан олинадиган солиқ ва тўловлар ҳақида фикр юритилган. Суюрғол солиғи ҳақида А. М. Веленицкий, И. П. Петрушевский ва М. А. Абдураимовнинг асарларида баён қилинган.

Буюк Алишер Навоий фақат шоир ва давлат арбоби бўлибгина қолмасдан, коммунистик олим ҳам эди. У ҳаётнинг мезони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир деб тушунди. Инсон ўз умрини жамият учун ҳам, ўзи учун ҳам фойдали хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак, деб шундай ёзади:

Камол эт касбким, олам уйдин
Санга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамам ўтмак биайниқ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Алишер Навоий ўз асарларида меҳнаткаш халқнинг аҳволини яхшилаш ҳақида кўп қайғурди, адолатли тузум бўлишини орзу қилди.

Алишер Навоийнинг 22 та асарида иқтисодий фикрлар баён этилган. Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари «Хазойин ул-маоний» (бошқача номи «Чор девон» яъни тўрт асар тўплами), «Ғаройиб ас-сиғар» («Болалик ажойиботлари»), «Наводир аш-шабоб» («Ёшликнинг гўзаллиги»), «Бадаи ал-васат» («Урта ёш подирликлари»), «Фавоид ал-қалиб» («Кексалликнинг фойдали маслаҳатлари»), «Хамса» асарларида ҳам мавжуд. Шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» достонинда кишилик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий тузуми ҳақида асосий фикрлар баён қилинган. Алишер Навоийнинг фикрича, моддий бойликнинг манбаи деҳқон билан ҳунарманднинг меҳнатиدير. Бойлик ҳақида гапирганда шоир бу бойликдан халқ баҳраманд бўлгандагина ҳақиқий бойлик ҳисобланади, деб таъкидлайди.

«Вақфия» Навоийнинг вақфга берилган ери ҳақида ёзилган асаридир. Алишер Навоий «Муншоат» асарида мамлакатни бошқариш ҳақида фойдали маслаҳатлар беради. Шу асарда Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро ўғлига йўллаган хатида атроф жойлардан келган савдо иши билан шуғулланувчи кишиларга қулай шароит яратиш зарурлигини, улардан кўп закот олмаслик ҳамда ортиқча солиқ олимаётганлиги ҳақида ҳар ойда бир марта ёзма равишда маълумот бериб туришни ёзади. Хат мазмунидан маълумки, Навоий амалдорларнинг ўзбошимча фаолиятларига чек қўйишга ҳаракат қилади ва мамлакатда тартиб ўрнатишга интилади.

Навоий ғазалларининг мазмуни бой, унинг шеърларида ўз даврининг тузумига, иқтисодий ҳаётига, сарой амалдорларига, дин ақдларига, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига бўлган қарашлари акс этган. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг вазирини бўлиб узоқ йиллар саройда ишлаганлиги туфайли иқтисодий масалаларни яхши тушунган. Шунинг учун ҳам ўз шеърларида бадий шаклда ҳукмронларни тартибга чақириб, подшо ва амалдорлардан халқдан олинадиган солиқларни камайтиришга, халқнинг аҳволини бироз бўлса-да яхшилатишга чақирган, уларга мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш юзасидан аниқ маслаҳатлар берган. Масалан, «Хазойинул-маоний»да Навоий иқтисодий таъминот кишилар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлайди. Аҳолининг тўқлиги ва мамнулиги шундай бойликки, — дейди у, — бу бойлик ёрдамида ҳатто бутун дунёни забт этиш мумкин.

Алишер Навоий бадий сўзлари, ғазаллари орқали ижтимоий масалаларни ўртага ташлайди. У моддий неъматларнинг ва руҳий шодликнинг манбаи меҳнатдир, деб уқтирди. Шунинг учун ҳам у ўз қаҳрамонлари орқали меҳнаткаш халқ орзу-умидларини намойиш қилади. Масалан, Фарҳод ҳашаматли саройлар қуриб, каналлар қазийди, ихтиролар кашф этиб, ер қазувчилар меҳнатини энгиллаштиради.

Алишер Навоий шоирлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий бойликларни яратувчи кишилар меҳнатини ҳам ижтимоий фойдали меҳнат деб ҳисоблади.

Алишер Навоий мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, давлатнинг мустақиллиги кишиларнинг эрки ва фаолиятига, иқтисодий омилларга нисбатан инсоннинг фаол ёки суст муносабатда эканлигига боғлиқлигини тушуни.

Алишер Навоий умрининг охирида, яъни 1500 йилда «Маҳбулбулқулуб» фалсафий-нарий асарини яратди. Бу асарда улғу мутафаккир меҳнаткаш халқ, айниқса деҳқон меҳнатини улғулаган. У шундай ёзади: «Деҳқон донни экади, бошқа ишларни санаб етмайди, киши. У яратган боғ жаннатга ўхшайди, полизи эса киши руҳини кўтарувчи кучга эга, ҳар бир дарахти кўм-кўк гулистон, бу дарахтлар меваси эса, юлдузлардир. Деҳқоннинг меҳнати туфайли сайёҳ ҳам тўқ, аҳоли ҳам тўқ... гадонинг тўрваси нонга, подшонинг хазинаси олтинга тўла».

Навоий ўз асарида меҳнатни улғулар экан, суғориш иншоотларини барпо этиб, деҳқончилик қилинадиган ерларга сув чиқариш ҳақида

ўйлайди. Шоир ўз замонидаги кўпгина қурилишларга бевосита раҳбарлик қилади.

Бунга бир далил келтирамиз: Бухородаги тарих ва ўлкани ўрганиш музейининг фондида бўёқлар билан ишланган бир лавҳа — миниатюра бор. Унда тасвирланишича, Навоий сувсиз жойдан канал ўтказиб, ҳовуз қурилишига бошчилик қилмоқда.

Гарчи Навоий ўз даврида улкан сўғориш иншоотлари қуришнинг иложи йўқлигини билсада, у келажак авлодларнинг сувсиз, қақраб ётган ерларга сув чиқариб, деҳқончиликни ривожлантиришини орзу қилган.

Шунинг айтиш лозимки, Навоий деҳқончиликка доир махсус асар ёзган эмас, лекин унинг асарларида мамлакатнинг кундалик ҳаётидаги иқтисодий масалалар, халқнинг ҳаёти ўз аксини топган, халқ вакиллари бош қаҳрамонлар қилиб кўрсатилган.

Алишер Навоийнинг мероси филологлар билан бир қаторда файласуфлар, тарихчилар, санъатшунослар, этнографлар, иқтисодчилар ва бошқа илм соҳалари намояндлари тадқиқотининг катта ва муҳим объекти бўлиб қолди. Алишер Навоийнинг олижаноб гоёлари ва илҳомбахш асарлари тинчлик ва инсоният тараққиётида ҳамкорликни мустақамлашга ёрдам бермоқда.

Ҳ. АЛИҚУЛОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ФИКР РИВОЖИ

Алишер Навоий ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккиридир. Унинг ахлоқшунослик бўйича ёзган илмий рисолалари ҳозирги кунда ҳам ҳали ўзининг назарий ва амалий қимматини йўқотгани йўқ. Мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий фикрлари инсонпарварлик ва умуминсоний мазмунга эга бўлиб, уларда ахлоқшуносликнинг вазифалари, инсоний фазилатлар ва касб-ҳунарни эгаллаш, таълим-тарбия, ҳуқуқ-одоб масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий», «Сабъаи сайёр», «Маҳбуб ул қулуб» ва бошқа асарларида комил инсонни тарбиялаш, ахлоқий фазилатларни эгаллаш муаммоларига кенг ўрин берилган. Айниқса, Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб» рисоласида ҳар хил табақага мансуб кишиларнинг ярамас иллатларини очиб ташлаб, турли касб-ҳунар соҳибларини яхши хислатларни эгаллашга даъват этади. Унингча, одамлар яхши ва ёмонни, муносиб ва номуносибларни бир-бирдан фарқ қилишлари лозим. Мутафаккирнинг фикрича, ҳамсуҳбат ва дўстларнинг «ҳар тоифанинг хислатларидан маълумотлари ва ҳар табақанинг аҳволдан билимлари бўлсин, кейин муносиб кишилар хизматига кирсинлар ва номуносиб одамлар сўҳбатидан тортинишни зарур билсинлар ва барча одамлар билан маҳфил сирлардан сўз очмасинлар. Шайтонсифатлар хийла ва алдовларига ўйинчоқ бўлиб қолмасинлар. Кимки ҳар хил кишилар билан сўҳбатлашишни ва яқинлашишни ҳавас қилса, бу каминанинг тажрибаси ўшалар учун етарлидир»¹.

Алишер Навоий ахлоқий қарашининг муҳим хусусияти унинг ақлни кенг маънода тушуниб, ахлоқ муаммоларини ҳал қилишда қўллашидир. Мутафаккирнинг фикрича, ақл инсон хатти-ҳаракати, фазилатлари ва ҳуқуқ-одобининг асосини ташкил қилади. У давлатнинг бошқаришида, ижобий хислатларни эгаллашда, таълим-тарбияда муҳим аҳамиятга эга. Ақл туфайли жамиятда тараққиёт рўй беради. Алишер Навоийнинг тараққиипарвар гоёлари XV асрда Ўрта Осиё ва Хуросон-

¹ А. Навоий. Маҳбуб ул қулуб//Асарлар. 13-том. Тошкент, 1966, 183-бет.

да яшаб ижод этган олимлар дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди.

XV асрда ахлоқшуносликнинг ривожланишида Навоийнинг хизмати катта. Бу даврда ахлоқ соҳасида ижод қилган қатор олимлар пайдо бўлдики, улар турли ахлоқий фикрларни ўртага ташладилар. Ахлоқшунослик соҳасида ёзилган асарларга Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ», Ғиёсиддин Мансурнинг «Ахлоқи Мансурий», Жомийнинг «Баҳористон», Ҳусайн Вонз Кошифийнинг «Анвори Сухайли», «Рисолайи Хотамния», «Ахлоқи Муҳсиний», Жалолиддин Девонийнинг «Ахлоқи Жалолӣ» ва бошқалар кирди.

Бу борада, айниқса Хондамирнинг (1475—1535) «Мақорим ул-ахлоқ» рисоласи муҳим аҳамиятга эга. Хондамир Навоийнинг турмуш тарзи, юксак хислатлари, хайрли ишлари маориф ва маданият соҳасида қилган сай-ҳаракатлари ҳақида фикр юритади. Булардан ташқари, олим ушбу рисолада яхши хулқ фазилатлари, ақл ва идрокнинг эфзаллиги, илм фазилати, шарият арконларига риоя қилиш, камтарлик, қарам, саҳоват ва тавозуъ ҳақида ўз даври учун эътиборга молик ғояларни илгари суради. Масалан, у ақл ҳақида сўз юритиб, «жаҳон ишларининг интизоми», «дин асосларининг эътибори ақл» туфайлидир, қаердаки, ақл ҳукмронлик қилмаса шу ердан инсоф кўтарилади, дейди. «Ақлнинг тўғри йўл кўрсатиши орқали яхши билан ёмонни, фойда билан зиённи, тўғри билан хатони фарқ қилнади»², — деб таъкидлайди Хондамир. У айниқса, илм эгаллашни инсоннинг энг яхши хусусияти деб ҳисоблайди, барчани билим учун ғайрат қилишга даъват этади. «...ҳақиқий йўлни топган Амир (яъни Навоий — А. Х), — дейди Хондамир, — болалик даврдан ҳаётнинг охиригача фойз ва баракали вақтнинг кўп қисмини илм ва камол таҳсилга сарф қилди. Турли билимларни ўзлаштириш ва ҳар хил фанларни ҳосил қилиш йўлида озгина фурсатни ҳам қўлдан бермади»³. Хуллас олганда, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» китоби ахлоқшунослик бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қилади. У XV аср ахлоқий таълимотини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишга ёрдам беради.

Ахлоқшуносликка муҳим ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири Ҳусайн Вонз Кошифийдир (1440/1450—1505 йиллар). У Сабзавор шаҳрида туғилиб, умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказди. Аллшар Навоий бутун умри давомида унга ҳомийлик қилади ва у билан дўстона алоқада бўлади. «Оз фан бўлмайкин, даҳли бўлмағай, Ҳусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутаайин ишлари бор...»⁴, деган эди Навоий Кошифий ҳақида.

Кошифийнинг юқорида номлари зикр қилинган ва «Махзан ул-иншо», «Футувватномаи султоний» номли рисолаларида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий ғоялар илгари сурилган. «Ахлоқий Муҳсиний» асари мутафаккирга катта шухрат келтирди. Унда давлат ва уни бошқариш йўллари, ижтимоий табақалар, ижтимоий адолат, камил инсонни тарбиялаш, илм-фан ва касб-хунарни эгаллаш ва бошқа муаммолар таҳлил қилинади. Кошифий ахлоқшуносликни махсус фан тармоғи сифатида тан олиб, унинг вазифаларини белгилаб беради. Унингча, ахлоқшунослик кўпроқ амалий фанлар туркумига кириб, асосий вазифаси яхши фазилатларни касб қилишдан иборат. Кошифий ахлоқни кишиларнинг аниқ муносабатлариндан излайди. У рисолаларида ахлоқий муаммоларни ҳал қилишда инсоннинг ақлий фазилатларини қўллашга интилди, илм-фанни жамиятда тутган ўрнига катта баҳо берди, илм-фан билан амалиётни бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади.

² Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. Тошкент 1967. 31-бет.

³ Уша асар. 37-бет.

⁴ А. Навоий. Асарлар. 12-том. 123—124-бетлар.

Кошифий таълим-тарбия муаммосига тўхталар экан, у кўпроқ ҳукмдор ва зодагонларнинг болаларини тарбиялашга эътибор беради. У болаларнинг тарбияси учун, уларнинг ёшига қараб, тўрта муаллим ажратишни тақлиф қилади. Биринчи муаллим болага Қуръон ва шариат қонун-қоидаларини ўргатса, иккинчиси яхши хулқ-одобни учинчиси отда чопиш ва чавандозликни ўргатиши лозим. Тўртинчи муаллим эса таниқли шайхлар, уламо ва доно кишилар ёрдамида болага ботиний ва зоҳирий билимларни ўргатиши зарур. Хусусан, у мураббий тўғрисида шундай деган эди: Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулоимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулоим ва хушфел бўлиш мақсадга мувофиқдир⁵. Воиз Кошифийнинг бу насиҳатлари Алишер Навоийнинг мударрислар тўғрисида айтган фикрларига яқин туради. Навоийнинг айтишича, мударрис мансабга интилмаслиги, ҳар хил фисқу фасод ва ғавғолардан узоқ юриши, билмаган илмини бошқаларга ўргатишга ҳаракат қилмаслиги, зарур ишлар билан шуғулланиши ва понокликлардан қочиши лозим⁶. Гарчи Кошифийнинг тарбия услуби тор доирадаги кишиларга мўлжалланган бўлса-да, унинг ғоялари жамиятни маърифатли қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Жалолидин Давоний (1427—1505) машҳур файласуф бўлиб, унинг дунёқарашига қадимги юнон ҳамда Ўрта Осиё олимлари Арасту, Афлотун, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий ва бошқаларнинг бой ахлоқий мероси катта таъсир кўрсатган.

Унинг ахлоқшуносликка бағишланган ва Шарқда жуда машҳур бўлган асосий рисоласи «Ахлоқи Жалолий» бўлиб, унда муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ғоялар илгари сурилган. Ушбу рисолада ахлоқ ва таълим-тарбия муаммолари батафсил таҳлил қилинади. Ахлоқшунослик деганда, у кишиларнинг хулқ-одоби ва фазилатларини ўрганувчи фанни тушунади, ушбу фан кишиларнинг кундалик ҳаётида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Давоний фикрича, кишиларнинг хислатлари табиий (туғма) ва яшаш давомида касб қилинадиган хислатларга бўлинади. Унинг фикрича, ахлоқшунослик тўртта асосий ахлоқий тушунчаларни, яъни донолик (ҳикмат), адолат, шижоат ва иффатни ўрганиши лозим. Масалан, у адолатга тўхталар экан, уни ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий томонларига эътибор беради. Шунингдек, у вафо, қаноат, мўътадиллик, сабр-қаноат, дўстлик, саҳийлик ва бошқа умуминсоний қадриятларни ҳам таҳлил қилади. У кишиларга ақлий ва хулқий фазилатлар, касб-хунар ва илм-фан сирларини эгаллаш йўллари кўрсатиб беради.

Давоний шижоатни ўз замондошларига нисбатан чуқурроқ тушунди. У рационализм позициясида туриб шижоаткорлик инсон ақлига бўйсунishi лозим, деган фикрга келади, «Шижоаткорлик ақлнинг буйруғи билан содир бўлади, — дейди у, — унинг мақсади (ижобий) фазилатларни касб қилиш бўлгандагина у ҳақиқий бўлади»⁷. Демак, инсон шижоаткорона ҳаракат қилганда ақлнинг амрига бўйсунishi, заруриятга асосланиши лозим. Давоний шижоат тушунчасига сабот-матонатлик, юмшоқ феъллик, ботирлик, камтарлик, чидамлик ва бошқа хусусиятларни киритади. Хуллас, Давоний жамият ва давлатга фойда келтирувчи ақли ва сабот-матонатли кишиларни шижоатли деб атайди. Унинг дунёқарашининг тараққийпарвар томонларидан бири шуки, у ҳар қандай эҳтиёжни, ҳар қандай инсон фаолиятини шижоат-

⁵ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. Қашғур, 1904. 144-бет.

⁶ А. Навоий. Асарлар. 13-том. 189-190-бетлар.

⁷ Давоний. Ахлоқи Жалолий. ЎзФА Беришнинг номдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма. Инв. № 7703. 45-варақ.

та қўшмайди, балки давлат манфаатларига бўйсунадиган, кишилик жамиятига хизмат қиладиган хатти-ҳаракатни шижоат, деб ҳисоблайди.

Хуллас, Навоий замонда ахлоқшунослик билан шугулланган ва уни янги гоёлар билан бойитган мутафаккирлар кўп бўлган. Уларни ҳолисона ва ҳар томонлама чуқур ўрганиш олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги шароитда ўтмиш мутафаккирларининг ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасидаги фикрлари, уларнинг ибратли ва доно сўзлари кишиларни тарбиялашда, уларга яхши хулқ-одобни сингдиришда ижобий роль ўйнаши шубҳасиздир.

Маълумки, ҳар бир халқ асрлар мобайнида кишилараро муносабатда ўз маданияти, урф-одати, хулқ-одоби, маросимлари, анъаналари ва хулқ-одоб қондаларини яратганки, улар шу миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Урта Осиё халқларининг ҳам ўзига хос маданияти, удумлари борки, улар кишиларнинг ўзаро муносабатида йиллар мобайнида шаклланиб келган. Бу хулқ-одоб қондалари ўтмиш мутафаккирларининг ахлоқ ва таълим-тарбияга бағишланган асарларида ўз аксини топган. Ҳозирги пайтда мактаб ва олий ўқув юртлари учун одобнома ва ахлоқшунослик бўйича ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Ана шу қўлланмаларда миллий руҳ сезилиб туриши, уни яратишда иложи борича салафларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Насриддин Тусий, Навоий, Қошифий, Давоий, Хондамир ва бошқаларнинг ахлоқий меросидан самарали фойланиш лозим.

Д. Ю. ЮСУПОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XV АСРДА ТАРИХ ИЛМИ РАВНАҚИ

Урта Осиё ва Урта Шарқ мамлакатларининг XV—XVI асрлардаги яъни Темур ва Темурийлар давридаги тарихини ёритишда илк мактаб хизматини ўтайдиган талайгина асарлар фанга маълум.

Дарҳақиқат ҳужжат тўпламларини ҳамда бошқа ёдгорликларни ҳисобга олмай фақат мукамал тарихий асар сифатида ёзилган манбалар номининг ўзи ҳам катта бир рўйхатни ташкил этади. Масалан, Ҳофиз Абрўнинг Темур вориси бўлмиш Шоҳрух даврида ёзилган «Зубдат ут-таворих Бойсунғурий» номли асари, Шарафуддин Али Яздийнинг XV аср биринчи чорагида ва Низомуддин Шомийнинг XV асрнинг ўрталарида бир хил ном билан ёзилган машҳур «Зафарнома»лари, Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асари, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳусайн Бойқаро тахтига ўтирган (1470) йили ёзиб тамомланган «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» деган китоби шулар жумласидандир.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида Хуросонда айниқса, унинг пойтахти Ҳиротда нафақат тарих, балки бошқа фанлар ҳам, шунингдек, адабиёт, меъморчилик, тасвирий санъат (миннатура ва наққошлик), мусиқий илм ва хатотлик кенг ривожланган эди. Ушбу касб эгаларининг олим сифатида шаклланишида у даврнинг маърифат ҳомийси Мир Алишер Навоий катта ҳисса қўшди.

Хусусан, Урта Осиё ва Урта Шарқ мамлакатларининг тарихини ёритишда ўша давр муаррихларига хос кўпроқ умумий тарих равишда, яъни Одам Атодан то муаллиф яшаган кунларгача бўлиб ўтган воқеалар ҳақида баён этилган бир неча тарихий асарлар яратилган эди. Биз иккита йирик муаррих ижоди ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

1. Мирхонд (тўла исми: Мир Муҳаммад ибн Саййид амир Бур-

ҳонуддин Ховандшоҳ ибн Шоҳ Қамолиддин Маҳмуд Балхий (837) 1432—1433 й. туғилган; 903 й. 2-чи зу-л-қабдасида (1498 й. 22 июнда вафот этган). Мирхонднинг отаси Бурҳонуддин Ховандшоҳ бухоролик бўлиб Балхга кўчиб келган. Мирхонд шу ерда туғилиб, кейин Алишер Навоийнинг ҳомийлигида Ҳиротда яшади. Унинг умумий тарихга оид «Раузат ус-сафо фи сират ул-анбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо» («Халифалар, подшоҳлар, авлиёлар ҳаётига оид мусаффолик боғи») номли асари маълум. Асар Алишер Навоий тавсияси билан ёзилган. У 7 жилддан иборат бўлиб, Мирхонд 6 жилдни ёзишга улгурган. Сўнги еттинчи жилдини мусаввада тарзида қолган ва набираси Хондамир томонидан поёнига етказилган.

«Раузат ус-сафо» Одам Атодан 929/1523 йилга қадар ўтган тарихни ўз ичига қамраган ва жуда кўп араб ва форс тилидаги манбалар асосида ёзилган. Уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган шу сабабдан «Раузат ус-сафо»нинг биринчи жилдлари (айниқса VI—V) тадқиқотчилар учун илмий аҳамиятга эга.

Мирхонд ўз ҳомийси Алишер Навоийга тегишли тарихни ёритишга алоҳида тўхталиб ўтади ва унга махсус бўлимлар ажратади. Масалан, «Улуғ ва соҳиб тадбир Амир Алишер Навоийнинг Султон Аҳмад Мирзо ўрдусидан жаҳонгир ҳоқон Султон Ҳусайн Мирзо мулозаматида келишининг баёнида мушқин рақам қаламининг нуқтатирозлиги ва ва унинг ҳол-аҳволини баён этишда кўрсатган саҳрпардозлиги», «Ҳоқони Мансурнинг Амир Низомуддин Алишерни амирлик мансабига ўтказгани баёни», «Ҳоқони Мансурнинг Амир Алишерни Астробод аёлати билан сарафроз этиши, ул адолат Амир Алишернинг ҳукмига биноан ўша вилоятга жўнаб кетиши», «Ҳожа Афзалуддин Муҳаммаднинг ҳажга боргани ва Амир Алишернинг Астрободдан келиб шу вилоят ҳокимлигидан озод қилишни талаб этгани ҳақида», «Амир Алишернинг иниси Дарвиш Алининг Балх вилоятида серкашлик қилгани баёни», «Улуғ Амир Алишернинг ҳаж нияти билан муқаддас Машҳад шаҳрига боришга интилиши ва ул ҳазратнинг жўнаши ҳақида ҳоқони Мансурнинг иноятнома юборгани» ва ҳоказо.

Асар Оврупода кўп вақтларгача тадқиқотчилар учун Эрон ва Ўрта Осиё тарихи бўйича ягона манба бўлиб хизмат қилган. Асарнинг уздан ортиқ қўлёзмаси Тошкент, Санкт-Петербург, Душанбе, Баку, Тбилиси шаҳарларида ва чет эл (Англия, Эрон) қўлёзма фондларида сақланиб келмоқда. У эски ўзбек тилига Муҳаммад Ризо Огаҳий (XIX аср) ва Муҳаммаднӣз Комил тарафидан таржима қилинган ва босма усулида нашр этилган. Асарнинг ўзи ҳам шу усулда (Техронда, Навлакшварда) чоп этилган.

2. Ҳирот тарихчиси Хондамир (тўла исми Гиёсуддин Муҳаммад ибн Ҳожа Хумомуддин ибн Ҳожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳонуддин) ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихчининг ўз асарларида ҳам, замондошлари меросида ҳам бизгача жуда кам маълумот етиб келган.

Она томонидан у Мирхонднинг набираси бўлган. Отаси Ҳожа Хумомуддин Муҳаммад ибн Ҳожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Ҳожа Бурҳонуддин Муҳаммад Шерозий ўз замонининг зиёлиларидан эди ва Султон Маҳмуд мирзо Темурийнинг (863/1458—1459—906/1500 йилларда Хисори Шодмон ва Бадахшонда ҳукмронлик қилган) вазир бўлган. У эса Султон Абу Саъиднинг (863/1458—1459—900/1494—1495 й. Чағониён, Хисор, Хутталон, Қундуз ва Бадахшон ҳокими) ўғли эди.

Хондамир 878/1473—881/1476 йиллар орасида Ҳирот шаҳрида туғилган ва ўша ерда таълим олган бўлса керак: деб тахмин қилинади.

У тезда тарих, адабиёт ва ишони пухта эгаллаб, ўз замонасининг нуфузли олим сифатида машҳур бўлди.

Хондамирнинг олим сифатида шаклланишида Мир Алишер Навоий катта ҳисса қўшди, аниқроғи, ўзининг жуда бой кутубхонасидаи фойдаланишга руҳсат этди, шу билан бирга илмий ишларга ҳам раҳбарлик қилиб борди.

Тарихчининг ўзи тўғрисида келтирилган маълумотлардан айтиш мумкинки, у Навоий қўлига ёшлик чоғидаёқ келган, дастлаб унинг кутубхонасида кутубхоначи, кейинроқ эса, яъни 904/1498—1499 йили мудири бўлиб ишлаган.

Алишер Навоий вафотидан сўнг, 909/1503 йилдан бошлаб Хондамир Хуросондаги сиёсий воқеалар гирдобига тушади. Дастлаб у Балхага келиб Султон Ҳусайн Бойқаронинг 873/1469—911/1506 тўнғич ўли Бадидузамон Мирзо саройида хизмат қилади. Айни шу пайтда Бадидузамон Қундуз ҳокими Хисравшоҳни Шайбонийхон (906/1500—916/1510 й. ҳукмронлик қилган) лашкари томонидан қутилаётган ҳужумдан Хуросонни ҳимоя қилишда иштирок этишга оғдириш орзусида элчилар жўнатади. Хондамир элчилар қаторига қўшилиб ўзи Бадидузамоннинг маҳсус топшириғини бажарди. Шу даврда унга садр (ушбу унвон билан «вақфлар» яъни мол-мулкларнинг ҳисоби боғлиқ бўлиб, улардан тушган даромад васийлар ва ҳада қилувчиларга белгиланган бўлиб, улар ўз навбатида бу даромаддан масжидлар, хайрия даргоҳлари, мактаблар ва бошқаларни таъминлашга қаратилган эди) аталмиш юқори унвон ҳам берилган. Хондамир яна Бадидузамон топшириғига биноан Шайбонийхонга қарши тузилган иттифоққа Қандаҳор ҳокимини бирлаштириш мақсадида у ерга жўнатилди. Аммо Бадидузамон қизининг вафоти Хондамирни сафарни тўхтатиб Ҳиротга қайтишга мажбур қилади, ҳамда 912/1506 й. Шайбонийхон томонидан Ҳиротнинг забт этилишининг шоҳиди бўлади. Ушбу ҳолда Хондамир Хуросоннинг маркази Ҳиротни топширишда шартлар ишлаб чиқишида иштирок этган.

Сулोलалар ҳукмронлиги ўзгаргандан сўнг Хондамир Темурийлар сулоласининг қизғин тарафдори бўлганлиги сабабли, Ҳиротдан кетишга қарор қилади. 913/1507 йилдан то 916/1510 йилгача у Шимолий Афғонистонда жойлашган Башт қишлоғида адабий ижод билан шуғулланиди. Ҳирот тахтига Сафавийлар сулоласи, унинг асосчиси Шоҳ Исмоил (907/1402—930/1524) келиши биланоқ (916/1510 й.) Хондамир Ҳиротга қайтиб келади. Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг (923/1527 й.) Ҳиротдан буткул юз ўгириб Қандаҳор томон жўнайдиган ва 934/1528 йили у ердан Ҳиндистонга аниқроғи бобурийлар пойтахти Аграга, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобур (932/1526—937/1530) ҳузурига ўтади.

Хондамир Аграга келгач, у Бобурнинг яқин одамлари қаторидан жой олади ва 936/1529 йили Хондамир Бобурни Бенгалия ва Ганг дарёси соҳили томон қилган юриши пайтида кузатиб боради. Бобур вафотидан сўнг Хондамир унинг вориси Ҳумоюннинг (937/1530—963/1556) хизматида қолади. 941/1534 йили у билан бирга Гвалиорда бўлади ва Гужаротга қилган юришида қатнашади. Айни вақтда, у «Ҳумоюннома» асарини ёзади ва бу хизмати учун унга «Амир алмуаррихин» («Тарихчилар амири») унвони берилади. Хондамир 941/1534 йили Ҳумоюн билан Мандуга қайтиб келаётганда вафот этади, васиятига биноан Деҳлидаги машҳур қабристонга, Низомуддин Авлиё (635/1252) ва шоир Хусрав Деҳлавийлар (651/1253 йили туғилган; 725/1325 йили вафот этган) ёнига дафи этилади.

Хондамир олтамиш уч йил умр кўрди ва ана шу вақт ичида тахминан, ўн учта асар ёзган, бизгача сақизтаси этиб келган. Булар қуйидагилар:

1. «Маъосир ул-мулук» («Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи») Али-

шер Навоий илтимосига кўра ва унга миннатдорчилик изҳор этиш тариқасида 904/1448—1499 йилгача ёзилган. Асар бизгача тўрт нусхада етиб келган (бири — Буюк Британия музейида, учтаси — Эрон кутубхоналарида сақланмоқда). Бу асар подшоҳ ҳамда қадимги донишмандларнинг хайрли ишлари ҳақида айtilган ҳикматномаларни ўз ичига олади. Жумладан, Қайомарсдан Анушервонгача, Одам Атодан Бузургмехргача бўлган ҳамда Муҳаммад пайғамбар ва имомлар ҳақида битилган нақллардан иборат. Сўнгра муаллиф Уммавийлар, Аббосийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва бошқа сулолаларга тегишли ҳукмдорлар тарихи ва шулар қаторида Курд подшоҳлари ва турк ҳоқонлари тарихини ёритган. Асарнинг охириги қисмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга замондош бўлган ҳукмдорлар, олимлар ва донишмандлар ҳақида маълумотлар берилган.

2. «Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-аҳёр» («Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси») 904/1498—1499—905/1499—1500 йиллар орасида ёзилган ва Алишер Навоийга бағишланган асар. Унда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонида Ҳирот ва унинг атрофида олиб борилган улкан қурилишлар (мадрасалар, ҳаммомлар, работлар, боғлар, кўприклар ва бошқалар), шунингдек, ўша замонда ўтган рибозит, фалакиёт олимлари ҳақида мусиқашунослар, шифокорлар, шоирлар, санъаткорлар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ушбу асар ўндан ортиқ нусхада бизгача етиб келган (Тошкент, Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланади).

3. «Мақорим ул-ахлоқ» («Олижаноб хулқлар») асари Алишер Навоийга миннатдорчилик рамзида ёзилган, лекин Навоий вафот этиб, Хондамир унга китобни тақдим этишга улгурмади. «Мақорим ул-ахлоқ»да Хондамир Навоийнинг юксак инсоний фазилати, олижаноб ахлоқи, асарлари, унинг ташаббуси билан қурилган бинолар, шоирнинг замондошлари бўлган шоирлар, олимлар ва фозил кишилар, шунингдек Хуросоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги муносабатлар ҳусусида ҳикоя қилади. Ушбу асарнинг икки нусхаси бизгача етиб келган. Бироқ Буюк Британия музейидаги кўчирилган нусхаси ЎзР ФА ШИДа сақланмоқда. Асар икки мартаба Кембрижда (1979), Қобулда (1981) нашр этилган.

4. «Дастур ал-вузуро» («Вазирлар учун қўланма»), Алишер Навоий илтимосига мувофиқ 906/1500—1501 йили ёзилган, Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазيري Амир Камолуддин Маҳмудга бағишланган асар. Орадан тўққиз йил ўтгач, 915/1509 йили қайта ишланган ва кенгайтирилган. Унда Шарқ мамлакатларининг VII—XVI асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар сулоласи иққирозига қадар ўтган вазирлар, Чингизхоннинг вазирини, кейинроқ мўғулларнинг Хитойдаги ноинби, хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ҳамда унинг ўғли Чигатой хонларининг Мовароуннаҳрдаги вазирини Масъудбек тўғрисида маълумотлар бор. Ушбу асар етти нусхада бизгача етиб келган (тўрттаси СССР ФА Осие халқлари илмгоҳида иккитаси — ЎзР ФА Шарқшунослик илмгоҳида ва биттаси Буюк Британия музейида сақланади) ва унинг матни Теҳронда чоп этилган.

5. «Номаи номӣ» («Атоқли номлар»), унда 928/1521—1522 йилда келган воқеалар баёни қилинишидан, асар 929/1522—1523 йилгача ёзилган дейиш мумкин; бошқа номлари «Инжои-и Ғиёсуддин» ёки «Иншо-и Ғиёсий». Китоб иншо илмига онд стилистика, турли мактуб ва фармонларни ёзиш қоидаларини ўргатувчи фан, Шарқ мамлакатларида ўтган турли табақадаги тарихий шахсларга (шоҳлар, амирлар, садрлар, қозилар, шайхлар, шоирлар) мансуб мактублар намуналарини ўз ичига олади. Унда яна подшоҳ ва хонларнинг ёрлик ва фармонларидан намуналар ёзиш ва фармонларни битиш тартиблари ҳам баён этилган. Асарнинг қимматлилиги яна шундаки, у баъзи бир муҳим мансабларнинг (масалан парвоначи, мунийи муставфий, иҳтисоб

(муҳтасиб), қалантар, мубашшир, ҳофизлар) келиб чиқиши ҳамда бундай мансаб эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари хусусида маълумотлар беради. Асарни ўндан ортиқ нусхаси бизгача етиб келган у Тошкент, Санкт-Петербург, Душанбе ва Буюк Британия музейи кутубхоналарида сақланади.

6. Мирхондининг «**Раузат ус-сафо**» асарига Хондамир томонидан ёзиб тугатилган илова — еттинчи жилд ва «Жугрофий қўшимча»дир. Еттинчи жилд мазмунан Хондамирнинг «**Ҳабиб ус-сияр**» асарининг учинчи жилди учинчи қисм иккинчи яри мазмуни билан мосдир. Асарнинг «Жугрофий қўшимчалари», тахминан, 900/1494—1495 йили Мирхонд томонидан ёзила бошланган ва 929/1523 йилда Хондамир унинг давомини ёзиб тугатган. Унинг мазмуни ҳам «**Ҳабир ус-сияр**»га кирган матндан ташкил топган.

7. **Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар** («Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи холи»), Хондамирнинг энг йирик асари 927/1520—1521—930/1523—1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Қаримуддин Хожа Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланган, номи ҳам қисман шу вазир исми билан боғланган. Китобда қадим замонлардан то 930/1524 йилга қадар Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Урта Осиёда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Чунки XV асрнинг сўнги ва XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннахр ҳамда Хуросоннинг умумий аҳолини акс эттирган учинчи жилди учинчи ва тўртинчи қисмлари маълумотлари янгилиги катта илмий қимматга эгадир. Асар бизгача кўп нусхада етиб келган ва бир неча бор нашр этилган.

8. «**Ҳумоюннома**», бу китоб «Қонуни Ҳумоюн» номи билан ҳам машҳур, Ҳиндистон подшоҳи Бобурий Ҳумоюн Мирзога бағишланган ва 941/1534—1535 йили ёзиб тамомланган. Асарда Ҳумоюн Бобурийлар давлатида ҳукмронлик қилган даврида жорий этилган янгиликлар, аҳолини уч табақлага, ҳокимиятнинг эса тўрт идора усулига бўлиниши ва Ҳумоюннинг меъморчилик фаолияти ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Ушбу асар бизгача уч нусхада етиб келган, у Санкт-Петербург, Техрон ва Буюк Британия музейларида сақланади. Асарнинг матни ҳам, англизча таржимаси ҳам 1940 йилда Калькуттада нашр этилган.

Хондамирнинг қолган бешта асарларининг бизга фақатгина номлари маълум, холос. «Осор ул-мулк ва-л-анбийа» («Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар») 931/1524—1525 йили ёзилган. «Абор ул-аҳёр» («Яхши инсонлар ҳақида хабарлар»). «Мунтахаб-и тарих-и Вассоф» («Вассоф тарихидан сайланма»), «Жавоҳир ул-ахбор («Хабарлар гавҳарлари») ва «Фаройиб ус-асрор» («Қизиқарли сирлар») каби асарлардир.

Навойнинг сўзларига қараганда, Хондамир «Нақий» тахаллуси билан шеърлар ҳам битган экан, бироқ унинг шеърлар тўплами бизгача етиб келмаган, лекин ўз номидан келтирган айрим парчалари «Ҳумоюннома», «Мақорим ул-ахлоқ» ва бошқа асарларида қисман учраб туради.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра Навоий ҳомийлигида тарих фани кенг ривож топиб Урта Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари тарихига оид ўша давр тарихчилари муҳим асарлар яратилган ва шу билан бирга жаҳон маданияти ва хазинасига муносиб ҳисса қўша олишган. Ушбу асарларни мукамал ўрганиш шарқшуносликнинг галдаги зарур вазифаларидан ҳисобланади.

ЧЕЛОВЕК В СИСТЕМЕ МИРОВОСПРИЯТИЯ АЛИШЕРА НАВОИ

Алишер Навои занимает исключительное место в истории культурной и социально-политической мысли народов Средней Азии. Его творчество получило всеобщее признание еще при жизни поэта. Интерес к его наследию не ослабевал и в дальнейшем, являясь источником идейного и творческого вдохновения для многих деятелей культуры и литературы, а сам поэт стал непрерываемым учителем для последующих поколений литераторов тюркоязычных народов.

По своему идейно-теоретическому содержанию творчество Навои имеет сложный характер, что проявляется, во-первых, в его связи с преданиями и традициями литературы, истории и эпосом тюркоязычных народов; во-вторых, — в связи с классической персидской литературой, философско-дидактической и суфийской поэзией; в-третьих, — в идеологической связи поэта с общественно-политической и философской мыслью мусульманского Востока, с традициями Фараби, Беруни, Ибн Сины и др.

Таким образом, его поэзия сочетает в себе фольклорное, художественное, философско-этическое и научно-теоретическое начала, что было характерно для всей средневековой философской поэзии в лице ее лучших представителей — Юсуфа Хас Хаджиба Баласагуни, Ахмада Югнаки, Фирдоуси, Саади, Рудаки, Низами, Хафиза, Джами.

Многогранное творчество Алишера Навои может служить объектом исследования разных наук — истории, литературоведения, языкознания, ораторского искусства, музыковедения, политики, философии, суфизма. Каждая грань его требует самостоятельного изучения.

Поэтическое творчество Навои весьма богато по своему философско-нравственному и общественно-политическому содержанию, что нашло свое отражение в многочисленных афоризмах, выразительных притчах, глубоких, полных философского осмысления рассуждениях Навои о мире, человеке, смысле его жизни. В нем отразились многие из тех проблем, которые на протяжении веков волновали и волнуют умы ученых и мыслителей. Разумеется, в зависимости от конкретно-исторических условий, каждый мыслитель выражал их языком собственной эпохи, оперируя тем идейно-теоретическим материалом, которым он располагал.

Самое крупное произведение Навои — «Хамса» («Пятерица»), написанное в 1483—1485 гг., объединяет пять поэм-дастанов связанных единством идейно-художественного замысла. В первом дастане — «Хайрат ул абрар» («Смятение праведных») поэт излагает свои религиозные, философские и социально-нравственные взгляды, затрагивая важнейшие проблемы жизни, общественного устройства, воспитания человека. В следующих четырех дастанах Навои как бы конкретизирует изложенные в «Хайрат ул абрар» идеи, нравственные и общественные идеалы, выражая их с помощью художественно-эстетических средств и воплощая их в художественных образах своих героев, в их поступках и действиях.

Философско-дидактический характер имеют также два крупных дастана — «Лисан ут тайр» («Язык птиц») и «Махбуб ул кулуб» («Возлюбленный сердце»), написанных в последние годы жизни поэта (1499—1500).

В своих представлениях о мироздании Навои исходит из пантеистических взглядов о божестве как потенциальном источнике мира явлений. Эта его концепция, известная на Востоке под названием «вахдат ул вуджуд» («единство бытия»), наблюдается в первой мунаджат

(тайной беседе) дастана «Хайрат ул абрар». Здесь высказывается мысль о первичности истины — хак (бога) и о том, что она не является продуктом разума, а существует извечно (азал). Ее свойства проявляются в цветнике возможности (мумкинат гулшани, т. е. в природе.— А. М., Э. У.), а познание ее возможно посредством познания жемчужин (явлений) природы, проявившихся из «облаков тайн» в «море явности» (зухур), т. е. в материальном мире.

В рассуждениях Навои божество, как первичная актуальность, представляет собой единство (ахадият), а мир с многообразием его явлений — переход одного во множество в результате его самопроявления (джила, таджалли), иными словами, эманации. Переход этот представляется необходимым, ибо само божество, по Навои, нуждалось в проявлении своей красоты, для чего ему понадобилось зеркало (мир'ят, кузгу, айна), т. е. природа. Об этом поэт пишет: «Сиянию твоей красоты не было предела, понадобились для ее отражения бесчисленные зеркала (т. е. миры.— А. М., Э. У.). Раскрылось в этом цветнике множество роз (т. е. людей.— А. М., Э. У.), каждая из них стала действительным зеркалом твоей красоты. Чтобы обнаружить блеск твоей красоты, это зеркало (т. е. природа.— А. М., Э. У.) явилось ее проявлением»¹.

Следовательно, природа, по Навои, представляет собой внешнее выражение божества, которое проявляется в ней посредством конкретных явлений и процессов. Божество как субстанция (зат) — единство (ахадият), а его внешние свойства (захир сифатлар) образуют все многообразие материального мира. Об этом в дастане «Лисан ут тайр» («Язык птиц») говорится: «В единстве заключена сущность его (т. е. бога.— А. М., Э. У.), но имеет он свыше тысячи свойств (внешних). Все они проявляются в окружающем (мире) и все вновь возвращаются к единству его сущности»². Здесь недвусмысленно выражается основной принцип пантеистических воззрений о единстве бытия (вахдати вуджуд): все есть проявление бога и все возвращается к сущности его. Идея о том, что бог — не какая-либо отвлеченная, внеприродная сила, а он существует повсюду, наиболее последовательно изложена в «Лисан ут тайр».

Итак, божество, его внешние свойства обнаруживаются в явлениях мира. Отсюда коранические понятия — красота (джамал), величие (джалал), совершенство (камал) и др., являющиеся именами Аллаха, Навои использует в духе тасаввуфа для выражения свойств божества в природе. Известно, что эти понятия в тасаввуфе получают иную интерпретацию, чем в Коране. Так, термин «джамалуллах» — отражение красоты Аллаха, — согласно Корану, означает лицемерие бога в раю, якобы проявление Аллахом блеска своей красоты в раю перед своими рабами (т. е. людьми). Тасаввуф же толкует понятие «джамал» как одно из проявлений красоты Аллаха в природе. Поскольку тасаввуф считает природу проявлением «свойства света» Аллаха, то «джамал» приобретает значение «отражение проявленного имени» бога (захир исмининг таджаллиси), т. е. выражает имя бога в явлениях природы. Творение (халк) по отношению к истине или творцу (халик) выступает подобно отражению в зеркале³.

Согласно Навои, возникновение окружающего бытия (вуджуди даира) было вызвано естественной необходимостью выражения богом своей красоты, а потребность бога в проявлении добра посредством любви нашла свое выражение в человеке, который оказался и объек-

¹ Алишер Навои. Хамса. Ташкент, 1958. С. 14 (на узб. яз.).

² Алишер Навои. Лисан ут тайр/Науч.-критич. текст Ш. Эшанходжаева. Ташкент, 1965. С. 24 (на узб. яз.).

³ Салахиддин Шар. Энциклопедия терминов ислама. Стамбул, 1964. С. 51—52 (на турец. яз.).

том любви бога и стал влюбленным в бога. В начале поэмы «Садди Искандари» («Стена Александра») Навои, обращаясь к богу, говорит: «Красота твоя стала солнцем, освещающим вселенную, оставаясь недоступной (для разума) за завесой тайны. Добро явилось твоей потребностью, чтобы (через него) ты мог проявить свою любовь... Поскольку вся красота твоя достойна любви, то понадобился для нее влюбленный (т. е. человек)»⁴.

Все окружающее представляется отражением (таджалли) божества, которое обнаруживается в таких качествах, как красота (нигар), совершенство (камал), добро (яхшилик) и любовь (ишк). Однако самое высшее качество его — любовь является основой связи между богом и человеком. Бог, проявляя свою красоту во множестве явлений в природе, постоянно восхищает человека. Сияние красоты творца и восторг человека перед его красотой породили в мире любовь: «Он (т. е. бог.— М. А., Э. У.) проявил сияние своей красоты, а этот (т. е. человек.— М. А., Э. У.) пришел в безумие от восторга. В результате в мире возникла любовь. Один из них стал влюбленным, а другой — возлюбленной. Нет, он (т. е. Бог) стал пламенем, а человек — зажженным в пламени. Одному приказала зажигать (сердца) любовь, а другому душу воспламеняла тоже любовь»⁵.

Человек, словно соловей, влюбленный в розу, или словно мотылек, сжигающий себя в пламени свечи, находится в состоянии экстатической любви к богу. В этом, по Навои, заключается и смысл его существования: «Ты сделал проявлением своей красоты розу и сжег в пламени любви к ней соловья. Мотылек сжигает себя в пламени свечи, безумствуя от любви к тебе. Ты стал для молящихся кумиром, а для влюбленных — целью... В каждой картине ты проявляешься своей красотой, но ты есть сама картина»⁶.

Поэт объясняет, что повесть о любви соловья к розе — всего лишь повод для сложения легенды о боге и описания всех его качеств, которыми он проявляется в мире: «Соловей и роза стали лишь поводом для того, чтобы сложить легенду о тебе... Ты являешься любовью и ты же — влюбленный, но ты же лишь один и достоин любви. В этой любви проявляется блеск твоей сущности. Чтобы отразить ее, тебе понадобилось зеркало (т. е. природа.— М. А., Э. У.). Красота твоя проявляется во множестве качеств, постоянно сияя во вселенной (каннот). Напротив того, ты, скрываясь под покровом бытия, сам развлекаешься проявлением своей красоты»⁷.

В этих представлениях Навои наблюдается близость его концепции человека к тасавуфу, который представляет проявление бога в мире в виде красоты, а отношение человека к ней выражает в форме восхищения, восторга, мук или мечтаний влюбленного о возлюбленной. Эта форма взаимоотношения человека с богом обусловлена своеобразным определением Навои принципа красоты, которая представляется в виде образа самого божества: божество есть высшая красота, а все окружающее есть не что иное, как проявление этой высшей красоты. Следовательно, постижение божества рассматривается аналогичным постижению красоты явлений мира, а любовь к богу выступает как любовь ко всему земному, в том числе к человеку.

Навои считает, что цель и смысл мироздания заключались в человеке. Он говорит: «Господь придал саду бытия изящность и блеск. Каждую розу в том саду он сделал подобной солнцу. Но в создании этого сада главной целью (бога) была роза — человек»⁸. Человек —

⁴ Алишер Навои. Хамса. С. 1200.

⁵ Там же. С. 885.

⁶ Там же. С. 887.

⁷ Там же. С. 885.

⁸ Там же. С. 181.

единственный из всех творений, несущий в себе божественную разумность (илахий акл), воплощающий в себе индивидуальность (фарди-ят) и сущность (махият) божества, достойный быть его единственным собеседником (мусахиб) и способный приблизиться к божественному совершенству: «Человек — совершенство, достойное твоего удивительного слова, он же — выразитель твоих сокровенных тайн. Его душу ты сблизил с частицей сокровенности, а тело его ты сделал талисманом для той сокровенности»⁹.

По мнению Навои, человек — венец творения, носитель божественной сущности, в сердце (душу) которого бог заключил искру тайны собственного бытия. В постижении этой тайны проявляется и духовная сущность самого человека. Об этом поэт пишет: «В сотворении (мира) целью (бога) был человек, которого (он) сделал незаменимым. Сердце его (человека) он превратил в хранилище знания, сделал его (сердце) тайником для скрытого (божественного) бытия. Этот дивный тайник стал казной сокровенности и его мудрости»¹⁰.

Душа (сердце) человека представляется зеркалом, в котором отражается сущность бога: «Представь себе и ты свою душу зеркалом, в котором красота (божество) являет свое отражение. Знай свою душу зеркалом во дворце тела, зри в том зеркале красоту шаха (т. е. бога. — М. А., Э. У.)»¹¹.

В своих рассуждениях о душе Навои считает ее хранилищем творческой (божественной) силы, посредством осознания которой человек может обрести свою подлинную сущность. Он образно говорит, что в душе человека заключена сущность мира, она — соловей, влюбленный в розу, она — и светильник¹².

Собственно учение Навои о душе представляет собою идейную основу его учения о нравственности и воспитании человека. Воспитание души представляется высшим принципом, определяющим назначение человека и смысл его жизни. Бог у Навои трактуется в этическом смысле как абсолютное добро, стремление к которому рассматривается в качестве нравственного идеала. Эта идея восхождения человеческого духа к совершенству первоисточника (бога) в аллегорической форме изложена в дастане «Лисан ут тайр».

По существу идея восхождения человеческого духа к Первоисточнику в моральном аспекте представляет собой путь нравственного совершенствования, что должно способствовать «озарению» человеческого разума и его слиянию с божественным разумом. Для достижения этой цели необходимо воспитание души, очищение ее от дурных наклонностей, страстей. Воспитание души предполагает два начала — разумность (мудрость) и нравственность (человечность), которые органически связаны друг с другом. Мудрость достигается в процессе познания явлений окружающего мира, она включает необходимость приобретения практических навыков, знания ремесел, а нравственность предполагает приобретение человеком добродетелей, свершение им добрых дел.

В этих представлениях Навои о душе и способах ее воспитания наблюдаются определенные элементы учения тасаввуфа о человеке, согласно которому бог — универсум, целое, а все остальное — частица от него. По мнению мутасаввифов, «человек является тайным богом, он — не абсолютная истина, а только частица этой истины... В человеке имеется частица «абсолютного совершенства» (камали мутлак), т. е. бога. В этом смысле человек совершенен. Он сливается с богом подобно тому, как капля с морем»¹³.

⁹ Там же. С. 15.

¹⁰ Алишер Навои. Лисан ут тайр. С. 4.

¹¹ Там же. С. 65.

¹² Алишер Навои. Хамса. С. 153.

¹³ Керимов Г. М. Аль Газали и суфизм. Баку, 1969. С. 57.

Таким образом, на формирование учения Навои о человеке, его назначении и нравственном идеале определенное влияние оказала философия тасаввуфа. В свое время Е. Э. Бертельс отмечал, что гуманизм Навои получил свое философско-нравственное обоснование в оболочке пантеистической системы тасаввуфа о единстве бытия в прозяблении божественной субстанции, которая отражается также в вене творения — человеке. Из этого рассуждения вытекает необходимость уважения божественной сущности человека. Значит, любовь Навои не только божественная, но и любовь человека к человеку¹⁴.

Именно в оболочке внешне религиозно-мистических представлений о человеке получили свое идеологическое обоснование гуманистические идеи Навои о ценности человека, необходимости уважения его личности. Поскольку вся природа по существу представляется эманацией божества, человек как одно из явлений природы считается носителем «божественной частицы». Обожевление человека служит идейной основой гуманизма Навои, который тем самым обосновывает ценность личности, прославляет духовные силы и отмечает активность человека в утверждении добродетели. Любовь к богу у Навои выступает нравственной санкцией для обоснования любви человека к человеку. Используя кораническое предание о том, что после сотворения человека бог заставил ангелов поклониться человеку, поэт возмечивает человека вплоть до отождествления с богом: «Раскрывшейся в этом цветнике розой был человек. Эта человеческая роза была подобна цветам из райского сада. Покровом его ты сделал благородство, а голову его сотворил достойной венца. Душу (сердце) его ты сделал сокровищницей тайн, а лицо его — зеркалом сущности. Когда в нем проявился луч твоей красоты, ангелы увидели в нем луч твоего света. Таким образом, дав ему бытие, ты сделал его достойным поклонения ангелов. В каждом глазе его — отражение твоего бытия, так почему же не поклоняться ему ангелам?»¹⁵

Гуманистические представления Навои служат также для философского и идеологического обоснования идеи о взаимозависимости и взаимообусловленности явлений мира и божества, что по существу можно было бы назвать «божественным детерминизмом». Эта мысль часто наблюдается во многих его дастанах.

Из «божественного детерминизма» вытекает и принцип социального детерминизма — взаимозависимость и взаимообусловленность в обществе, идея необходимости дружбы, сотрудинчества между людьми и т. д., основой чему служит любовь. Любовь для Навои представляется как бы причинно-следственной связью между явлениями природы и общества: любовь изначально была свойством божества, которое из любви к человеку создало мир, проявив в нем свою красоту. Но человек также, увидев во всем только проявление божества, стал влюбленным в него, а само божество — его возлюбленной. В результате это свойство (любовь) было воспринято каждым атомом и стало принципом существования всего мира¹⁶.

Эти представления Навои о взаимозависимости и взаимообусловленности божества и природы, божества и человека в своем рациональном переосмыслении способствуют формированию идеи личной веры, допускающей возможность интимного, индивидуального общения человека с богом. Логически развитая, эта идея ведет к отрицанию необходимости соблюдения формальных обрядов как способов приобщения человека к богу. Она утверждает возможность индивидуального постижения человеком бога нравственным путем. Идея индивидуально-

¹⁴ Бертельс Е. Э. Навои и Джамии. М., 1965. С. 276.

¹⁵ Алишер Навои. Хамса. С. 1204.

¹⁶ Там же. С. 269.

го общения человека с богом фактически сводит веру к нравственности, заменяя страх перед богом и надежду на вознаграждение за покорность и соблюдение религиозных обрядов мотивом любви к богу и бескорыстным служением ему посредством добрых дел.

Из идеи личной веры вытекает очень важный вывод о равнозначности всех религий: все религии рассматриваются как различные пути, ведущие к богу, а сущность их заключается в нравственной добродетели. В этом смысле Навои говорит, что нет разницы в том, чему поклоняться — Каабе или идолу: «Если мое поклонение богу окажется рядом с разворотом язычников, то нет в этом ничего хорошего и ничего плохого»¹⁷. В другом стихе поэт высказывает мысль о своей приверженности религии сердца, выражающейся в следовании правилам человеческой морали и нравственной чистоте: «В любви для меня поменялись местами неверие и вера. Нет беды в том, так как в этом деле я следую правилам (нравственной) чистоты»¹⁸.

Идея о равнозначности религий — одно из замечательных приобретений средневековой философской мысли и философской поэзии. Она явилась одним из идейных источников формирования учения о совершенном человеке. Еще ранние мутасаввифы Баязид Бисгами (ум. 874), ал-Кушайри (XI в.) употребляли термин «инсани камил» или «ал-инсан ал-камил» (совершенный человек) для определения нравственного состояния человека, достигшего высшей ступени тариката — истины (хакикат). В дальнейшем учение о совершенном человеке подвергается более рациональному философско-моральному осмыслению в философии Абу Насра ал-Фараби (875—950) и его последователей. Однако свое наиболее полное философско-теоретическое обоснование это учение получило в крайне пантеистической философии испано-арабского ученого Ибн ал-Араби (1165—1240), а позднее в философии Абдукарима Джилли (ум. 1417), который написал специальную книгу — «Китаб ал инсан ал камил фи маърифат ал авахир ва ал аванир». Оба автора пользовались учением о совершенном человеке для обоснования пантеистической философской системы — вахдати вуджуд, согласно которой творение (халк) и абсолютное бытие (вуджуди мутлак) рассматриваются как два совершенных проявления (мазохир) творца (халик) или истины (хак), что по существу выражает взаимосвязанность творения (человека) и творца (бога)¹⁹.

Определенное влияние этой теории нашло свое отражение в концепции человека Навои. Идеал совершенного человека поэт воплощает в образах своих положительных героев — Сократа, Платона, Аристотеля, Александра Македонского, Фархада, которые в дастанах Навои выступают не как исторические личности, а как художественные образы, устами которых он выражает свои нравственные идеалы и общественно-политические идеи. Реальными прообразами совершенного человека для поэта служат пророк Мухаммад, поэт Низами Гянджеви (XIII в.), шейх Бахауддин Накшбанди (XIV в.), Абдурахман Джами (XV в.), которым Навои посвящает специальные главы в своих произведениях.

Так, в дастане «Семь планет» («Саб'ан сайёр») Навои, восхваляя мудрость и знания Джами, говорит, что тот достиг совершенства не только в познании наук, но и высшей ступени нравственного развития: «В совершенстве он видит цель свою, а достоинствам его нет предела. Пока совершенство является украшением человека, он служит образом для совершенных людей»²⁰. В дастане «Фархад и Ширин» о со-

¹⁷ Алишер Навои. Хазайин ул маоний//Соч. Т. 4. Ташкент, 1960. С. 784.

¹⁸ Там же. С. 751.

¹⁹ Никольсон Р. А. Инсани камил//Энциклопедия ислама. Т. 5. Вып. 51. Стамбул, 1951. С. 1908 (на турец. яз.).

²⁰ Алишер Навои. Хамса. С. 287—288.

вершинстве Джамии поэт говорит следующее: «Знай, он сам подобен необъятному миру. Знай, совершенство его как целый мир. В обеих сферах (познания) он приобрел могущество (т. е. приобрел совершенство в познании божественной и человеческой сфер.— М. А., Э. У.), приводя людей в изумление»²¹.

Вполне соответствует нравственному идеалу Навои также образ Фархада, который воплощает в себе все необходимые качества совершенного человека: Фархад — художник, искусный мастер, отважный воин и в то же время он — совершенный человек (камил инсан). В нем знания наук и ремесел сочетаются с человечностью — качеством, воспаляющим его сердце сочувствием и состраданием к себе подобным, к несчастным и обездоленным, великой любовью ко всему окружающему. Иначе говоря, совершенный человек органически сочетает в себе знание наук с нравственным совершенством. В концепции совершенного человека знание и нравственное совершенство рассматриваются в неразрывном единстве: познавать для того, чтобы стать лучше, совершеннее.

В этом дастане Навои, используя традиционные мотивы романтической любви, фантастические приключения, создает образ Фархада, созвучный его собственным идеалам.

Высокий пафос, поиск приключений, непрерывное движение от одной цели к другой, мужество духа, стремление к познанию многообразия жизни — черты, присущие Фархаду. Цель и назначение своей жизни он определяет следующими словами:

«Коль сам ты мал, то жизнь мала тебе,
Коль ты велик, то жизнь скала тебе.
Хоть на сто лет срок жизни будь продлен,
Но муха и столетняя — не слон»²².

Геронко-романтическая концепция Навои отражает и другую идею — идею индивидуального самопожертвования во имя высшего блага. Фархад выступает как человек, борющийся за личное счастье. Однако достижение своего счастья он видит в борьбе с тиранством, в сокрушении злых сил, в преодолении собственных дурных наклонностей и пороков (внутренних страстей — дэвов), в верности и справедливости, в любви и сострадании к другим. Таким образом, любовь Фархада теряет свою «чувственность», «плотскость» и приобретает значение моральной категории, а его возлюбленная Ширин из объекта чувственной любви превращается в чистое благо, стремление к которому уже представляет собой добро. Ее образ становится как бы ступенью на пути Фархада к нравственному совершенствованию.

В образе Фархада и других положительных героев Навои воплощает свою нравственную концепцию совершенного человека, которая выражается в идее о том, что человек рожден для свершения великих дел.

²¹ Жирмунский В. М. Алишер Навои и проблемы Ренессанса в литературах Востока // Литература эпохи Возрождения. М., 1967. С. 466.

²² Алишер Навои. Соч. Т. 4. Ташкент, 1960. С. 70.

А. ЗОҲИДОВ

АЛИШЕР НАВОИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТУҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН УЧУН АҲАМИЯТИ

Ҳозирги покланиши, маънавий аслиятларга қайтиш даври улду Шарқ мутафаккири Низом-уд-дин Мир Алишер Навоий ижоди, мероси, ижтимоий-фалсафий дунёқараши, халқимиз тарихида ўйнаган ролига,

хусусан унинг руҳини хотирлаш, асарларини нашр қилиш, анжуманлар ўтказиш ишларига бўлган муносабатимизни умуммиллий, умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар нуқтаи-назаридан тубдан қайта кўриб чиқишни, янгилашни талаб қилади.

Кейинги 74 йил ичда халқимиз ижтимоий, маданий, миллий бир бутунлигининг емириб юборилиш жараёни, умуман ижтимоий онг, маънавий тараққиёт даражамизнинг ўта паст ва фаол эмаслигида, хусусан ўзбек халқи маънавий ва миллий қадриятларининг тамал тошларини қурган Навоий ижоди ва дунёқарашини, унинг Комил инсон тўғрисидаги қарашларини ўрганиш ва тадқиқ қилишда ҳам кўзга ташланмоқда.

Республикамизда Навоий қадриятларини доимо кўз ўнгимизда қўйиб ўрганмаганлигимиз учун юбилей анжумани тадбирларида олата-сирлик кўзга ташланди. Таассуфлар бўлсинки, бу ҳол нафақат Навоий асарларини хом-хатала, шошиб-пишиб чоп этишда кўзга ташланмоқда, балки Навоий ижодининг ғоявий манбаларини, унинг дунёқараши ва маънавий меросини тадқиқ қилишда назарий савияни кўтариш ўрнига, сийқалаштириш авж олаётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Бунинг устига Навоийнинг ижтимоий-фалсафий фикримиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини пасайтириб, уни аввалги замонлардагидек, «Тақлидчи», «Таржимон» деб кўрсатиш майллари¹, унинг асарларини илмий тадқиқ қилиш, илмий-танқидий матнларни тайёрлаб чоп этишда (20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»нинг академнашрликка даъвоси бўлгани ҳолда, академнашр талабларининг биронтасига жавоб бера олмайдиган қилиб чоп этилаётганлиги) кўзга ташланмоқда.

Бизнингча Навоий дунёқарашининг, ижодининг манбаларини ўрганиш, тадқиқ этиш қуруқ далолатларни топшдан иборат бўлмаслиги керак. Навоий дунёқарашининг, гўёки ҳаммага маълум, аслида эса ҳали жуда қоронғу, кам ўрганилган диний-фалсафий асосларини, хусусан унинг «вахдат-ул-вужуд» (пантеизм) таълимотига қўшган ҳиссаси, Қалом, шариат, тасаввуфга бўлган муносабатининг фақуллода жиҳатларини, орифлик дунёқараши ва ахлоқий-дидактик позицияси, сиёсат, давлат, Фозил жамият, онла, Комил инсон ва шахс тўғрисидаги бир бутун назарияларини чуқур назарий, матншунослик ва тарихий адекватлик даражасида тадқиқ қилиниши лозим.

Навоий дунёқараши, ижоди ва фаолиятининг яна бир ўзагини унинг туркий-ўзбек халқларининг жаҳон тараққиётидаги ўрни ва тарихий миссияси тўғрисидаги ўйлари, тилимизнинг бутун Турон заминга сочилиб кетган сўз, лаҳжалари бойликларини тўплаш, уни адабий тил, илм-фан, фалсафа ва юксак санъат тили даражасига кўтариш борасидаги саёйу ҳаракатлари ташкил этади. Ҳозирги кунда давлат мақомига эга бўлган ўзбек тилимизни қонунан амалиётга татбиқ этишдаги бошбодоқликлардан («Сузишни билмаган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан сувга шўнғийди») қутулишимиз учун Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн», «Меъзон ул-авзон», «Ҳамса» ва бошқа асарларини ҳижжалаб ўқишимиз, халқимизга етказишимиз лозимки, улардаги Ҳазрат кўрсатмалари кундалик ҳаётимиз ўлчови, талаби, қондаси бўлиб қолсин.

Бироқ, ижтимоий-фалсафий, бадий фикр тараққиётини ўрганиш соҳасида кенг урф бўлган тадқиқот андазаларига кўра Шарқ мутафаккирларининг Фозил жамият, Комил инсон тўғрисидаги тадқиқ қарашлари, таълимотлари кўпинча илм даражасига етмаган ёки жуда бўлма-

¹ Қаранг: А. Ҳайитметовнинг «Одами эрсанг демагил одами...» мисраси хусусида анъанавий 34-Навоий конференциясида 9.02—1990—й.) билдирган фикри; В. Раҳмоновнинг «Оразинг ёлқоч кўзимдин сочилул ҳар лаҳза ёш...» байти хусусида. Ёш Ленинчи рўзномасининг 1991 йил 5 февраль сониде билдирган «мулоҳазалари» назарда тутилмоқда. — А. 3.

ганда хаёлпарастлик ғоялари сифатида юзаки, вульгар социологик талқин этилган ва бу қисман ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Бу айниқса Низомий, Жомий, Навоий ва бошқа алломаларнинг Одил подшо (Комил инсон) тўғрисидаги қарашларини тушунишда ва талқин этишда яққол кўзга ташланмоқда.

Тарихий тараққиётнинг тақозосини қарангки, ҳозирги ижтимоий тараққиётимизнинг 74 йиллик даврида жамият манфаатларини, шахс, алоҳида олинган инсон манфаатларидан устун қўйишдан иборат «тажрибамиздан» маълум бўлмоқдаки шахснинг манфаатларини, унинг дунёқарашини, ҳаётий позицияси, орзу-умидларини ҳисобга олмасдан туриб, унинг шаънини менсимасдан ёки бутунлай оёқ ости қилиб, ерга уриб ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Жамиятимизнинг ҳозирги ҳалокатли тақдир ва таназулидан чиқиб олиш йўллари ва воситаларидан бири сифатида шахс, инсоннинг шаъни, миллий қадриятлари, обрў-эътибори, яъни кенг қўламда инсон омилининг ролини фаоллаштириш зарурлигини ва ниҳоят тушуниб ета бошладик.

Энди биз шу пайтгача хом-хаёл деб баҳо бериб келганимиз Навоий ва унинг салафлари Форобий, Ибн Мискавайх, Жомий, Ибн Сино, Низомий ва бошқа мутафаккирларнинг Одил подшо тўғрисидаги қарашлари қандай назарий ва тарихий, ҳаётий амалий асосларга эга бўлганлигини, булар мазкур муаммолар тўғрисида нақадар чуқур ва асосли фикр юритганликларини таҳлил қилиб кўрайлик.

Навоий ўзининг Одил подшо, Фозил жамият тўғрисидаги қарашларида Низомий, Жомийлар каби мусулмон маданияти, фалсафий-сиёсий фикрининг тамал тошларини қўйган Форобий, ал-Мавардий, Ибн Мискавайх, Шайх-ур-Раъис ва бошқа Шарқ арасгучилари — перипатетикларининг, яъни машшойунлар илгари сурган Фозил шаҳар (алмадинат-ул-фозила), Фозил Раъис — Комил инсон ҳақидаги фалсафий таълимотдан келиб чиққан.

Маълумки, Форобий Сайф-уд-давланинг давлатини, Шайх-ур-Раъис Абу Али ибн Сино ўз даври амира Аъло-уд-давланинг давлатини Фозил шаҳарга, уларнинг ўзларини эса Комил инсонларга айлантиришга уринганлар. Навоий ҳам «Хамса» ва бошқа асарларидаги орзу-хаёллар, Одил подшо, адолатли давлат тўғрисидаги ғоялар билан чекланмай, Хусайн Бойқаро давлатини одил давлатга, унинг ўзини эса одил подшоҳга айлантиришга қаттиқ уринган, бу йўлда ўзининг бутун кучи, сиёсий иқтидори, нуфузи ва иродасини, сиёсий мавқени сафарбар этган. Гап ҳар икки ҳолда ҳам ғоянинг нотўғри ёки «ғайри илмийлигида» эмас, балки бу ғояларни амалга ошириш имкониятларини бердиган юксак ишлаб чиқариш тараққиёти даражасига, яъни жамиятнинг табиий — тарихий тараққиёт босқичига эришилмаганлигида²дир, холос.

Энди Навоийнинг суфийлиги, зоҳидлиги масаласига келайлик. Албатта Навоий ўз даврнинг киши сифатида ўрта аср мусулмон маданияти, руҳияти, онги ва тафаккури, қадриятлари руҳида тарбияланган, ва демак, ўша ҳаёт тарзи ва маданиятнинг ўзаги бўлмиш тасаввуф таълимотидан четда шаклланиши ундан тамомила фориг бўлиши мумкин эмас эди.

Навоий амалда айнан ана шундай таҳсил ва тарбия топганлиги, айниқса Фарид-уд-дин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»га аср бўлганлиги, нақшбандийчилик таълимотига қўйган ихлоси ва Жомий билан биргаликда ва унинг етакчилигида Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдуллоҳ Ансорий ва бошқа пирларга қўлберганлиги ва ҳ к. тафсилотлар ўқоридаги фикрни албатта тасдиқлайди.

Бироқ Навоий умуман ислом, Қалом, шариат, айниқса тасаввуф-

² Қаранг: Маркв К. Энгельс Ф. «Танланган асарлар». 3 жилданк. 2-жилд. Тошкент, 1981. 99-бет.

даги эгалланган мавқенининг ўзига хослиги шундаки у нақшбандийликнинг ҳаётбахш фалсафаси орқали суфизмдаги энг инсонпарвар, ҳаётда, инсондаги эътиқодий поклик ва тозаликни севувчи, ҳаётни, инсонни қадрловчи, инсон шайини юксак тугишга, ҳимоя қилишга чақирувчи маломатия таълимотига маънавий жиҳатдан онгли равишда эргашган ва ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида маломатия қадриятларига ғоявий роя қилган³.

Маълумки, маломатия сулуки энг аввало дин, тақво, тасаввуф аҳлларини, шунингдек, мусулмон жамоасининг бошқа аъзоларини икки туб масалада: 1) эътиқодда кибрга, риёкорликка ва беҳад даъволарга йўл қўйишда; 2) амалий ҳаётда эса бойликка, зеби-зийнатга ҳирс-ҳавасга берилишда, камбағалларга зулм қилиб, сидқни (Оллоҳ олдида олган ўз мажбурият ва бурчларини) бузишда маломат.

Эътиқоддаги кибрга сунийларнинг такаббурлиги, риёкорлиги эса шибъаларнинг жанжалканшлиги, беҳад даъвога эса тасаввуфдаги Ҳулул, Жаъм ва Иттиҳад даъвогарларининг «кароматлари», «муъжизалари»ни маломатия вакиллари мисол келтирганлар. Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятининг бирор дақиқасида, ҳатто ўз асарларида ўзининг мусулмончилигидан кибрланиш у ёқда турсин, ҳатто буни алоҳида таъкидламаган ҳам — эътиқодда ҳокисор — Обид мавқеини тутган. Риёкор шайхлар, «азиз-авлиёлар» ва бошқаларни Навоий қандай танқид қилганлиги эса «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлардан кўпчиликка маълум.

Эътиқоддаги беҳад даъволарга эга, Ҳазрат Навоий маломатия даври мутафаккирлари Ибн Сурайж, Ибн Ота, Абу Жаъфар (ҳаммаси VIII—IX асрлар) ва «Хужжат ул-ислом» Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (ваф. 1111 йил), ҳамда Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий (XIII аср) қабилар сингари ўзининг «Лисон ут-тайр» асарига қуйидагича баҳо берган: «Бўлди чун Мансур тавҳиди дурустким, «Ана-л-Ҳаққ» эрди алфозида чувт; Кўп насихат қилдилар арбоби динким, бу эрмас шеъван «аҳли яқини»; Куб сулук аҳлига кашф ўлуб бу ҳол, ҳам адаб асраб дурур ҳам эътидол; Сен доғи бу даъвойи изҳор айлама, нафсни муставжаб дор айлама; Мastroқ чун тушмиш эрди жом анго, йўқ эди бу нағмадин ором анго»⁴.

Навоий юқоридаги ҳикоятда Ҳотам-ун-наббийини Муҳаммад сала Оллоҳ алайҳа ва-с-салам номидан икки таъбир келтириб, ғўёки унинг раъий сифатида қуйидаги ўз хулосаларини беради: (Расулллоҳ Ҳалложга унинг тушига кириб) унга қуйидаги сўзларни айтиб, мушқулини ҳал қилади: «К-эй фузул айвонида ўлтиргучи! Лофий ваҳдатдин «Ана-л-Ҳаққ» ургучи! Билмадингким ул сифат олий буружким, мен айлаб эрдим ул оқшом уярж. Онда «Мен»ликнинг ҳаёли йўқ эди, балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди. Элтгон Ул эрди, бошлагон ҳам Ул, истагон ҳам Ул, боғишлагон ҳам Ул, Сен ажаб кутаҳ назарлик айлодинг, бўйла ерда бебасарлик айлодинг! Ким онингдек водий тавҳид аро, гулшан тажрид ила тафрид аро; Ҳамад қилдинг «Мен»лик ва «Сен»ликка йўл. Бу иккилик васфидин пок эрди. Ул. Ул эди дегон ўзи, тергон ўзи. Ул рақам пок эрди «Мен»лик рангидин, нағмаси фард иккилик оҳангидин! Онда «Мен», «Сен»лик таҳаййул айлагон, иккилик нақшини тааққул айлагон. Ғайри аҳвалиқ эмасдур, бил мун, хотирингдин маҳв ва зобил қил мун!»⁵ Демак, Навоий ўзининг исломга бўлган эътиқодини расмий «аҳли сунна ва жамоа» сингари пеш қилмагандек, Оллоҳ васлига етиш, яъни «ваҳдат лофи»ни — даъвосини қилувчи ўта сўл мутасаввуфлардан ҳам четга олган маломатия сингари қоралаган.

Навоийнинг юқорида келтирилган дунёқарашинда охиригача изчил

³ Алишер Навоий. Насоим ул-муҳаббат мин шамоим-ул-футувват.

⁴ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий мати. Тошкент, 1965, 164-бет.

⁵ Алишер Навоий. Уша асар, 166-бет.

тарзда унинг Комил инсон тўғрисидаги қарашлари бутун моҳияти билан намоён бўлган. Аввало, комиллик Навоий фикрича инсоннинг инсонлик табиати, имкониятлари ва маънавияти чегараларидаги комиллик бўлиб, бунинг олий босқичи Оллоҳ моҳияти ўз вужудида мавжуд бўлганлиги учун Оллоҳнинг мукамаллиги, жилоси, зиссини ярақлаган ойнадек акс эттира олиши, уни бевосита туйиш ва тан олиш, «таслим бўлишдир». Бу ниҳоясиз риёзиётлар ва маърифат орқали мумкин бўлади ёки Навоийнинг ўз ибораси билан айтилса, «мин араф» ҳадисида билдирилгандек инсон ўзлигини билиш орқали Рабб моҳиятини билади, «васлга етади», гўёки садаф, тоза гавҳарга айланади⁶.

Бошқа томондан Оллоҳ учун жиҳодга «лаббай!» деб жавоб бериш, жиҳоднинг бутун азоб-уқубатларини машаққатини, ҳатто бу йўлда шаҳид бўлишни онгли тарзда ўз бўйига олиш, мушриклар, кофирлар билан мусулмон мамлакатларининг турли ерларидан — Фаластин, Византия ва Қافқоз чегараларигача салбчилар билан жанг қилиш учун етиб келиш, фидоийлик қилиш, камситилган, эзилган, хўрланган ва ҳақоратланганларни, ҳақиру қашшоқларни, ожизу нотавонларни бебош маъмурлар ҳоқиму муҳтасиблар, қози ва миршаблар, бой, судхўрлар зулми, зўравонлиги ва адолатсизликларидан ҳимоя қилиш, қутқариш, уларнинг қўлидан ажратиб олиш, яъни оддий қора халқни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида жавонмардлик қилиш, яъни аҳли футувва бўлиш маломатиянинг асосий амалий шнорларидан бири эди. Машҳур Мансур Ҳаллож Талақонда, Қафқозда, файласуф, табиб Абу-л-Баракат ал-Бадодий Қафқозда, Нажмуддин Кубро Хоразмда мўғулларга қарши ана шундай футувват кўрсатиб, жиҳод урушларида қатнашганлар.

Навоийнинг илм-маърифат йўлида ёшлигидан жуда қаттиқ жаҳд қилганлиги, халқ, эл-юрт осойишталиги йўлида Хусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлаш, «Ҳақ ва адолат» учун ҳам қадам, ҳам қилич билан, «ўтга ва сувга кириб» хизмат қилганлиги, тўплаган мол-мулкдан эл-юртга ош бериб, кўприклар, работлар, мақбаралар, боғлар қурдирганлиги⁷, онла қурмай, тоқ ўтгани, умри интиҳосида — ўлимидан олдин бутун мол-мулки, бойликларини хизматчиларга бўлиб бериб, кулларини озод қилиб юборганлиги оддий мусулмончилик фарзи бўлмай, Ҳазратнинг жиҳод қилганлиги, жавонмардлик кўрсатганлиги асл «аҳли футувва»дан бўлганлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган ва таҳлил қилинган далил ва мулоҳазалар Навоийнинг бутун ҳаёти ва эътиқоди маломатия маслаги талабларига зимдан риюя қилинган ҳолда кечганлигини тасдиқлайди. Унинг пири Жомий ҳам зимдан, қисман бўлса-да, ана шундай мавқеда турган.

Бироқ, Навоий Пири Нурандан фарқли ўлароқ тасаввуфнинг на назарий ва на амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш, ривожлантиришни ўзининг алоҳида, эзгу эътиқодий мақсади қилиб олган эмас эди (Навоий узлатга ҳам кетмаган, бирон янги суфийлик қарашларини ҳам илгари сурмаган ва янги тариқатга ҳам асос солмаган). Демак, Навоийни том маънода тасаввуф ёки тақво-зуҳд вакили ва аксинча, Қалом, Шарнат вакили (Мутақаллим, Қози, Аълам ёки Муҳтасиб бўлмаган) деб фикр билдириш ниҳоятда мунозарали бўлган бўлар эди. Навоий ўзида Форобий, Ибн Мискавайҳ, Шайх-ур — Раънслар асослаб берган Комил инсоннинг Оқиллик, Одиллик, Саҳийлик, Иффатлилик, Шижоатлилик, Поқлик ҳаром-халиш ва риёкорликлардан инсон шаънини ерга урувчи, разолат ва қабоҳатлардан узоқлик сифатларини мужассам қила олган, ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида бундай олий мартаба сиволидан ўтган эди. Ана шу маънода Навоий қадриятлари айниқса ҳозирги кун учун керак, асқотадиган қадриятлар сифатида янада чуқурроқ ўрганилиши, тарғиб ва ташвиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

⁶ Алишер Навоий. Уша асар, 188-бет.

⁷ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, 1969. 65—66, 70, 72—73, 74, 79-бетлар.

ВОСТОЧНЫЙ РЕНЕССАНС И АЛИШЕР НАВОИ

В истории народов Средней Азии и Казахстана были такие объективные основы, причины и условия, которые в XV в. привели к расцвету культуры, литературы, науки такого уровня и концентрации, которая получила название ренессансной. Этот процесс, происходивший в Центральноазиатском регионе, Н. И. Конрад называл «Средневосточным ренессансом»¹.

Прослеживая линию развития ренессансной литературы в мировом масштабе, Н. И. Конрад приводил наряду с Алишером Навои имена Гургани, Фирдоуси, Низами, Шота Руставели, Данте, Торквато Тассо, Маттео Воярдо и др.

Новая культура, литература, наука, государственность, градостроительство закономерно складывались и развивались в новых исторических условиях, когда в Средней Азии возникло могущественное государство, окончательно сокрушившее долгую гегемонию монголов. Европа обратила свои взоры к державе Тимура, где тогда в числе других дел в какой-то мере решались и судьбы мира. Страны, народы и правители искали связи с этим могущественным государем, хотели заручиться его поддержкой, засылали к нему послов, пытались заключить с ним союз.

Связи Средней Азии с остальным Востоком были традиционными и развивались не одно столетие. И эмир Тимур рассматривал мусульманский Восток как нечто целостное, единое духовно и культурно.

